



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2021-yil 9-iyul / № 28 (4635)

Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёридан кўяётган қадамлари қутлуғ бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎРИКЛИСОЙ СУРУР БАХШ ЭТГАН ДАМЛАР

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ

миз ёшларини янада юксак марралар сари интилишига йўл очди.

Ана шундай катта ишончдан рухланган ёш ижодкорлар жорий йилнинг 5-8 июль кунлари Жиззах вилоятининг Зомин туманида республика ёш ижодкорларининг “Зомин қалдирғочлари” семинарида, устозлар, самимий дўстлар даврасида жам бўлишди. Тўрт кун давомида адабиёт ахлининг нигоҳи Зомин семинарига қаратилди. Семинарда бадий адабиётнинг назм, наср,

навий кўшиқ ижрочилари, бастакорлар, кинематография соҳаси ёш ижодкорлари, рассомлар (китобат санъати йўналишида тахсил олаётган талабалар) ҳам иштирок этишди.

Сирожиiddин Сайид, Нодир Жонузоқ, Махмуд Тоир, Хуршид Дўстмухаммад, Қозоқбой Йўлдошев, Умида Абдуазимова, Мунаввара Усмонова, Хосият Рустамова, Исажон Султон, Шоим Бўтаев, Салим Ашур, Ориф Тўхташ каби эл суйган шоир ва адилларнинг



асарлар яралишига замин бўлади.

Зомин семинари мен учун янги уфқларни очди, — дейди Ўзбекистон Давлат консерваторияси композиторлик кафедраси мудири Нурали Эрқаев. — Тадбир давомида янги асарларни тинглаб, ижодий ҳамкорлар — шоир, драматурглар топдим.

Албатта, бу каби эътирофлар Зомин семинарининг кўлами ва аҳамияти тобора ошиб бораётганидан дарак беради.

Сўлим гўшадаги семинар, ёшларда бадий асарлар яратиш иштиёқининг қуртак ёзишига омил бўлиши шубҳасиз.

сиз. Устозлар билан бўлиб ўтган кизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар, мушоира кечалари, мўъжизавий лаҳзалар шукухи хар бир ёш ижодкор қалбида умрбод нақшланиши шубҳасиз. Ушбу адабиёт байрами ёшларга янги-янги илхом бериб, фақат юксакликка чорлайди.

Ботир ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

▶ 2-3, 6



Адабиёт — миллатнинг жон томирини. Қайси мамлакатда адабиётга эътибор қаратилса, унда улғайган авлод маънан етук ва баркамол бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Зомин туманининг «Ўриклисой» оромгоҳида ташкил этилган Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари бир неча йиллардан буён истеъдодли ёшларни кашф этиб келмоқда. Президентимизнинг Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон ёшларига билдирган табригида “Беруний издошлари”, “Мирзо Улуғбек ворислари”, “Алишер Навоий

давомчилари” кўрик-танловларини ўтказиш ҳақидаги ташаббуслари ёш ижодкорларни ҳам беҳад рухлантирди.

Юртбошимизнинг “Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган умумхалқ ҳаракати сафарида сиз, азиз ёшларимизнинг қудратли тўқтин бўлиб майдонга чиқаётганингиз юксак тахсинга сазовордир. Албатта, ёшликка хос шижоат, жўшқинлик ва мардликни, эзгу орзу-интилишларини амалий ҳаракатга айлантириб, салмоқли натижаларга эришиш учун инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшаши керак”, деган фикрлари албатта Ватани-



драматургия, бадий публицистика, бадий таржима, болалар адабиёти, адабий танқид йўналишлари бўйича шўъбаларга бўлинган ҳолда маҳорат дарслари олиб борилди. Иштирокчиларнинг асарларини саралаш ва маҳорат сабоқларини ўтказиш мақсадида танқидли адиб ва шоирлар ҳамда адабиётшунос олимлардан иборат 35 кишилик ишчи гуруҳ ташкил қилинди.

Айтиш керакки, бу йилги семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 66 нафар ёш ижодкор ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан юборилган 9 нафар истеъдодли ёш ижодкор — анъа-

ҳакамлар ҳайъати таркибида фаолият олиб боргани ёш ижодкорлар қалбидаги яхшилик ва адабиёт ниҳоллари баравж ўсишига замин бўлгани шубҳасиз.

Санъатнинг жуда кўп турларига доғий қилувчи адабиёт хонандалар, созандалар, рассомлар томонидан чуқур хис қилиниши уларни янада илхомлантириши сир эмас. Шу маънода семинар доирасида шоир — бастакор — ижрочи учлиги ҳамкорлигини ташкил этиш режалаштирилгани самарали натижалар беришига умидланттиради. Ушбу ҳамкорлик бадий ижод, рассомлик, кўшиқчилик, кино ва бошқа соҳаларда бадий юксак, мазмунли



МУЛОҲАЗА

ИЖОДИЙ РУҲ, ИЖОДИЙ МУҲИТ...

Ўтган ҳафтада Республикаимизнинг тўққизта ҳудудида жойлашган ижод мактабларида ижодий имтиҳонлар бўлиб ўтди. Фаолиятини 2017 йилда бошлаган ижод мактабларида дастлабки умидли қалдирғочлар бўй кўрсатгани ва бугун мазкур даргоҳларга ўзгача бир руҳда интилувчи ёшларнинг кўплиги жуда қувонарлидир.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш ва Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди. Бунинг замирида эзгу ниятлар, хусусан, ёшларни ижодий фикрлашга ўргатиш ҳамда таълим даргоҳларида ижодий руҳни кучайтиришдек мақсадлар бор. Бугун эса уларнинг рўёбга чиқаётганини кўриб турибмиз. Зеро, ижодий руҳ бор жойда янгиликлар, ихтиролар, янги асарлар, ғоя ва ниятлар туғилади. Интилиш ва изланишлар кучаяди.

“Ижодий руҳ” ва “ижодий муҳит” каби тушунчалар фақат бадий адабиёт ёки санъат соҳасига тегишли эмас. Ўз ишига ижодий ёндашиш барча соҳа ва касб эгалари учун жуда муҳим. Дейлик, муҳандиснинг ижодий ёндашиш бажарган иши пишиқ ва қўлайлигидан ташқари, одамларга эстетик завқ ҳам беради. Тарихий шаҳарлардаги кўҳна обидаларнинг гўзаллиги, мустаҳкам ва умрбоқийлиги сирини нимада? Нега Шахрисабздаги Оксаройни кўриш учун бутун дунёдан сайёҳлар келишади? Чунки Оксарой фақатгина улкан бино эмас, таъбир жоиз бўлса, уни “меъморий,

бадий, фалсафий, тарихий обида”, дейиш мумкин. Оксарой пештоқига битилган: “Қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурдирган иморатларга боқинг”, “Подшоларнинг сўзлари — сўзларнинг подшосидир” каби жумлалар, мардлик, саховат, адолатга доир ҳикматли иборалар асрлар давомида одамларни ҳайратга солиб келаётир. Бу, аввало, меъмор ва қурувчи аждодларнинг ўз ишига юксак ижодий ёндашуви натижасидир. Сохибқирон даврида Самарқандда ўтказилган халқ сайилларини муаррихлар мароқ билан тасвирлайдилар. Чунончи, бир тантананда пахта титувчилар пахтадан улкан мезана тиклайдилар. Унинг баландлиги миноралек, ранги эса кўзни қамаштирар даражада оппоқ бўлган экан. Бўйрадўзлар эса қамишдан отлик аскар талъатини ясаб, хатто суворийнинг киприқларига мукамал тасвирлашни уйдалаганлар. Ровийлар ўша даврдаги Самарқанд гўзаллигини таърифлаб адо кила олмаганлар. Бутун дунёдан келувчи савдогарлар

эркин ва қўлай савдо қилишлари учун Сохибқирон шаҳарининг ўртасидан кесиб ўтувчи катта кўча тарҳини қизиқ, унинг икки четидан бир-бирдан гўзал дўконлар қуришни буюрган. Ўз даврининг “халқаро ярмаркаси” бўлган бу шохкўча бошдан-адок гўмбазлар билан ёпилиб, “товар кўргазмалари” учун махсус мармар ўриндиклар ўрнатилган. Жамият ҳаётининг хар жаҳасида ижодий руҳ ва ижодий муҳит устувор бўлган бу давр тарихга Иккинчи Ренессанс, дея дарж этилган.

Кўкон, Бухоро, Тошкент, Шахрисабз каби шаҳарларда тор жинкўчалар, кингир-қийшиқ, боши берк кўчалар, лойсувок томлар ва омонат иморатлар пайдо бўлишини кўп жиҳатдан кейинги асрларда ижодий руҳ пасайиши билан изоҳлаш мумкин. Чунки ижодий муҳит бўлмаган жойда интилиш, изланиш, яратиш ва кашф этиш туйғулари ҳам сўна бошлайди, хар жаҳада тушқунлик ҳамда истеъмолчилик кайфияти кучаяди.

▶ 5

ЎРИКЛИСОЙ

- Кўёшда кўр,
 - Ойда чирой
 - Жамлиги сирмас хойнахой.
 - Лек кўёш, ой жам сирли жой
 - Ўриклисой,
 - Ўриклисой!
 - Ўриклисой!
 - Қаранг, битта ўзи мезбон,
 - Қулда тўртта фасл мехмон,
 - Бағри мисли тенгсиз уммон,
 - Ўриклисой,
 - Ўриклисой!
 - Бошида тоғ,
 - Пойида сув,
 - Соф хаво-ла сочар инжу,
 - Ҳар арчаси — битта оху,
 - Ўриклисой,
 - Ўриклисой!
- Гоҳо кўчки кўчган чўкки,
 - Полапонлар учган чўкки,
 - Сомоларни қучган чўкки,
 - Ўриклисой,
 - Ўриклисой!
 - Адабиёт қононаси,
 - Истеъдод туккан онаси,
 - Ижод ахлин парвонаси,
 - Ўриклисой,
 - Ўриклисой!
 - Ёшлари — лолаи замин,
 - Эгаллайди дунё томин,
 - Чин юракдан деса: Омин!
 - Ўриклисой,
 - Ўриклисой!

Зиёвуддин МАНСУР



БОҒЛАРИНГДА БУЛБУЛ

ОНА

Кичик уйда...
Катта кўнглимиз...
Зиё кувиб хуноб парвона.
Хотирам-ла қолганда Ёлғиз,
Энди сизни кўсайман, Она!

Муҳташам кент...
Хомуш бўлганда,
Хар бир барги сўйлар афсона.
Юрагимнинг ярми тўлганда
Ярмисиз бўш, кўсайман, Она!

СОҒИНЧ

О, қандай беташвиш кездарди бир вақт,
Бағрингизда санаб ётдик юлдузни.
О, сизла чексиздек кўринарди бахт,
Қадрдон далалар, соғиндим сизни...

Сизсиз бу кўзларим кўркам дунёни
Сўзларим ҳис этмоқда, рангсиз ва бетаъм.
Сизсиз кизини йўқ тушу рўёни,
Сизсиз ютолмасан кўз ёшимни ҳам.

Мен сизга талпиндим, кимдир отди гап,
Дилни соғинч тилди, тилиб ўтди ўқ.

Йиғлайман дейману етмайди сабаб,
Йиғлайман дейману кўзларда нам йўқ.

Оловлар бағрига ботарди куёш,
Эх, унга канча шеър сўйламагандим.
Унда бола эдим, мен канчалар ёш,
Сизни кўсарман деб ўйламагандим.

Ўйламаган эдим бахтли кунларнинг,
Бахтли соатларнинг бор деб адоғи.
Энди кадрни ўтиб шодон тунларнинг,
Оғир туюлмоқда тақдир сабоғи.

О, қадрдон дала, таниш далалар,
Ўчириб юборманг мен босган изни,
Майли, янтрамасин ўша яллалар,
Ўша жимлик учун соғиндим сизни!

Шаҳзод Жўраев

Навоий

ВАТАН

Юрагимдан сочилган хув, юлдузларинг,
Сен куёшга ўхшаб қулган қундузларинг,
Олмадайн ол кизарган гул юзларинг,
Сенга борим, жоним садқа бўлсин, Ватан,
Пешонандан хар кун куёш ўпсин, Ватан.

Мен туялари шам кўтариб юргим келди,
Юртим, сенинг холингни бир сўргим келди,
Елканга вох, гўдак бўлиб юргим келди,
Сенга борим, жоним садқа бўлсин, Ватан,
Пешонандан хар кун куёш ўпсин, Ватан.

Тупроғингда чопиб қуйган оёқларим,
Юзларингдан ўпиб қуйган дудоқларим,
Тоғларингда живир-живир булоқларим,
Сенга борим, жоним садқа бўлсин, Ватан,
Пешонандан хар кун куёш ўпсин, Ватан.

Кўй "чу"лашиб юрган, ўша чексиз қирлар,
Билдим менга она дийр экан улار,
Бебошлигим эслаб бутун қулгим келар,

Сенга борим, жоним садқа бўлсин, Ватан,
Пешонандан хар кун куёш ўпсин, Ватан.

ОСМОН

Осмон, менга ёмғирлар юбор,
Юрагимни олайин ювиб.
Менга улкан бардошлар даркор.
Бу дунёдан ўтмоққа кулиб.

Осмон, менга юбор ёмғирини,
Кўзларимда қоларман асраб.
Пок сақлашим керак кўнглини,
Ахир, сенга қўйганман атаб.

Ёмғирларини юборгин менга,
Борлигимни асрамоқ учун.
Айланаман барибир сенга,
Бутун замин олмасдан ўчин.

Осмон, менга ёмғирлар юбор,
Азобларнинг келганда гали.
Яраласан хали сен такрор,
Бу дунёни мендай севгани...

Садоқат ЭРГАШЕВА

Сурхондарё

— Раҳимжон болам, опангни кўриб келаюл,
сени жуда соғинган.

— Албатта, мен ҳам опамни, жияларимни
жуда соғиндим.

Шахардан эндигина келган ука опасининг
уйига ошдики.

Тога куруқ қўл билан келганидан жиялари
олдида изза бўлгандек деди:

— Мана бу сизга, — дея чўнтагидан пул чиқа-
зиб узатди. Раҳимжон опаси билан куяқ суҳбат

қурмоқчи бўлдио негандир
гап қовушмади. Опа бил-
дирмас-да, қутилмаган

мехмоннинг таърифидан
кўнгли тўлмади.

Бироз ўтириб, ука уйга кайтди.

Эртасига опа болалари билан укасини
йўқлаб келди. Шу пайт Раҳимжон

каёққадир кетган эди. Опа онаси
билан ҳол-аҳвол сўрашгач, гина

килди:

— Сизгайм хайронман. Қандай ки-
либ, кеча Раҳимни ўша аҳволда жўнатдингиз.

Уйимдагиларнинг олдида ер ёрилмади, ерга
кирмадим.

— Нега ундай дейсан, қизим, уйинг нариги
кўчада бўлгани учун шундай ўтиб келаман деб,
уй кийимида кетганди. Унинг устига уст-боши

яхшигина-ку.

— Э, ўргилдим кийимдан. Мен бечора
обруй олай деб, мактансаму укам шаҳарда деб,
унигинг бўлса, шўппайиб кириб борса, эгнида-
ги кийимини қаранг.

— Ундай дема, шаҳарда юриш осонмас. Му-
софирчиликда ўзини эплаб юриш катта гап,
қизим.

— Ким уни шаҳарда юрсин дебди. Қайтсин
кишлоққа, қачонгача шаҳардан деб, қосаси
оқармайди.

— Қўйсанг-чи шу гапни, хоҳлайсанми-йўқ-
ми, бори шу. Ўзинг биласан. Менга сену укалар-
нинг, омон бўлсангиз, бас.

Дарвозадан кириб келатган Раҳимжон та-
содифан бу гаплардан огоҳ

бўлди. Кўнгли оғриди.

Орадан йиллар ўтиб, у
мансаб пиллапояларидан
юқорилди.

Опа, укани телевизорда кўрар экан, у билан
фахрланди.

Тоғанинг нутқини тинглаётган бола-
кай кўзи кувнаб савол берди:

— Тоғам бизникига қачон келади?

— Кишлоққа келса, албатта. Қара
тоғажонингга, кийган кийими қандай

ярашган-а!

— Ха, чиройли, — деди бола бепарво.

Опа укаседек башанг кийинган, обруйли
киши уйининг остонасини босиб келиши қан-
дай катта бахт эканини ўзича тасаввур қилар-
ди.

Ука эса, энди мехмон бўлишга вақт топол-
масди...

Зикрилла МАМАТОВ

Тошкент шаҳри

Мехмон

КАТРА

Газал матлаъси ушбу шеър маъшуқага мурожаат билан бошланган. Ошиқ кўнглини асир этган дилбарга илтижо килиб, уни кўп таъналарга қолдирамлигини, чунки ахволи шусиз ҳам ачинарли, қалби ёр ишки ўтида қабоб бўлар даражага етганини айтади:

*Чу келдинг, катарман дебон қилма қўб
Шитобу шитобу шитобу шитоб.*
Жамолнингга божгонада солма анго,
Ниқобу ниқобу ниқобу ниқоб.

«...ЭЙ МОҲИ ОЛИЖАНОБ...»

Келтирилган байтларда ошиқнинг муножоти давом эттирилиб, маъшуқа висолига мушарраф бўлиш орузси рўёбга чиқиб арафасида уни яна тарқ эттишга шитоб айлаши ва жамолига боққан ошикдан чехрасини яшириб, никоб остига олмаслиги айтилган. Бунда ўз бандасига марҳамат кўрсатган Оллоҳнинг ундан ҳеч қачон кетмаслиги, яъни гуноҳкор бандасидан воз кечмаслиги ҳақиқатга илтижоси ҳам акс этган.

*Юзунг муъсаффи шарҳи ўлай неча —
Китобу китобу китобу китоб.*

Муғанний чалиб айла кўнглумни шод
Рубобу рубобу рубобу рубоб.
Газалда куйланган ишқ, аслида, ишқи Илохийдир. Чунки муштоқ адабиётда аънаан тусига кирган "Юз муъсафафи" жумласи муқаддас Куръонни қаримга ишорадир. Шоирлар бу жумла орқали Оллоҳ гузаллигининг чексизлигини ва уни муқаддас китоблардагина васф этиш мумкинлигини айтишган. Шоир Комил ҳам шу аънаанага суянган ҳолда ёр гузаллиги таърифини келтиради. Кейинги байтда эса, муғанний куйдан баҳраманд бўлиб, кўнглини шод айлаш истаги борлигини айтади. Бу ўринда ҳам сўз бевосита тасаввуф билан боғланади. Негаки ошиқ муғаннийга мурожаат килиб, уни илохий ишқ сирларидан вокиф айлаши-

БАҒРИНГДА, БАҲОРИНГДА...

Боғларингда булбул бўлиб сайрагайман,
Атиргуллар япроғини қайрагайман.
Тоғ сувининг томчисидан шеърлар топиб,
Бағрингдаги баҳорингда яйрагайман.

Чаманзорда гулдастага боғич тақиб,
Сенга мафтун, илҳомларим селдай оқиб,
Чиройингда киприкларим қокмай боқиб,
Бағрингдаги баҳорингда яйрагайман.

СУЛУВ ҚИЗЛАРГА

Сирлардан ўтар пайтида,
Қадим Шошдан бир сабо елди.
Эй, Тошкентнинг сулув қизлари,
Арнасоидан бир шоир келди.

Хали содда, шеърлари ҳам жўн,
Унутмаган кишлоқ, даласин.
Сизга келин топаман дея,
Алдаб келган мушфиқ онасин.

Шеърлариди севги йўқ деманг,
Рашиқ, аламдан кизарган қизлар.
Ўт-ўланлар, кўзи-қўйларга,
Ёзаётган шеърда сизлар.

Япроғингни қоғоз, новда қалам қилиб,
Даштларингни, ҳатто қўм-қўқ далам қилиб,
Сулдуларга сени алам-алам қилиб,
Бағрингдаги баҳорингда яйрагайман.

Қалдирғочнинг қанотида қайтиб келиб,
Созим чалиб, яллаларни айтиб келиб,
Хумор тутиб шамол каби дайдиб келиб,
Бағрингдаги баҳорингда яйрагайман.

Шеърларим ол, ол сентадир, эзгу сўзим,
Кўзларингда жойла, майли икки кўзим,
Сен онаман, сен отамсан Ўзбекистон,
Бағрингдаги баҳорингда яйрай ўзим!

Ахли замонада бағри бутунлар,
Боримиз шу энди, не қиламиз хўш.
Ҳақ учун ҳавиқларни туғлар туғлар,
Сўзимиз ўткиру кўнглигинга бўш.

Азиз қалбдошларим, қаламдошларим!
Сўзингиз сармоғи одамни тугсин.
Бир кеча ухламай ёзажак шеърни,
Одамлар ухламай, минг кеча кутсин.

Дурдона ТУРСУНОВА

Қашқадарё

Қалбига сен қулоқ тут, Тошкент,
Устозларин кўрмоқ истаиди.
Битта танбех эшитса шараф,
Кувноқ дили бирам қувнайди.

У шунақа шоир билсангиз,
Ҳазилида қувноқ хандалар.
Чақиб олса қулдириб қалбини,
Ёниб кетар аламзадалар.

Лекин андақ китмирлиги бор,
Қолаверса, мактанчоқ шоир.
Мақтаб кетар юртин, қишлоғин,
Гоҳо шеъри ўзига доир.

Аччиқ сўзи, ростин айтади:
"Бунчалар ҳам олифасизлар?
Унчалик ҳам суюқ эмасмиз,
Устунмиз, лек одобда бизлар".

Арнасоидан бир шоир келди,
Эй, тошкентлик куйдириг қизлар.
Яна келин тополмай кетди,
Балки Қорақалпоқдан излар?!

Ўз олами томон югуриб,
Кетди шоир ўз дунёсига...

Умиджон ҚОДИРОВ

Жиззах

БЕДОРЛИК

Сидираман кўздан уйқуни,
Кутмоқдаман, қанча толмайини.

Ундан хабар келар бу қуни,
Ўтинанам, ухлаб қолмайин!

Юмилмасин кўзларим бехос,
У мактубин бўлгунча бетос.

О, дўстларим, сиздан илтимос,
Мени бирпас туриг чалғитиб!

Гоҳ ўйлайман, дилрозинг сенинг
Суқунатга айланганмикан?

Мехрга зор қисматим менинг
Пешонамга жойланганмикан?!

Ёки икки чашимнинг ёши
Дарёланган, сойланганмикан?

Муҳаббатим, оялган қуёши
Юлдузланган, байланганмикан?!

Ёниб ётган юрак туғёним
Миллионлардан сайланганмикан?

Ё бахтлардан бебаҳра жоним
Синов учун шайланганмикан?!

Таасуфки, адолатнинг бир
Кўчасидан бўйланганмикан?

Қисмат битар чоғда менда ҳам
Юрак бор деб ўйланганмикан?!

Хаёлий ишқ, ёлғон тантана
Менгача ҳам қуйланганмикан?
Хаёллардан шеър бўлиб яна
Хаёлларга айланганмикан?!

Кимлигингни билмасман гарчи,
Чехранг кўзга жойланган эмас.
Мендан бошқа қалбда шу қадар,
Сен ҳақингда ўйланган эмас!

Чақиб берди шамол беадаб,
Тун қўйнида мудраганда Ер.
Нигоҳингиз хаёлга қалаб,
Менга атаб ёзармишсиз шеър.

Ойдин тунда ойдиланиб Ой,
Ой юзимни кўрмоққа келган.
Шеърингизни ўқиб, хойнаҳой,
Менга айтиб бермоққа келган.

Яна соғинч ёнига бордим,
Кутмоқликнинг азобини еб.
Шамол, Ойни хайдаб юбордим,
Ўзингиздан эшитаман деб.

Сиз, нахотки, билмайсиз ҳали
Дилда исён, тўполон онда.
Шеърингизни ўқиб бергали
Келасиз-а, эртага тонгда?!

Шамшода ҲАМДАМОВА

Бухоро

Хулқарой ШАРИПОВА

Хоразм

БЎЛИБ САЙРАГАЙМАН

НАМАНГАН МАДҲИ

Илхому сел,
Усмонларга хос,
Ороми йўк сира гардуннинг.
Девоналик Машрабдан мерос,
Шеър айтиши тугамас тунинг.

Новдаларга жон берар булбул,
Навосида бир майин охлар.
Гох ўнгга, гох сўлга тебраниб,
Таралади Дугох, Сегохлар.

Туйгулари тугўндай жўшиб
Кўкни тутар боғларнинг саси.
Навбат бермай янграйди кизгин,
Юлдузларнинг мушоираси.

Мафтуни бўлиб кўркига, изҳор
Бошланади яқин-йирокдан.
Хуш бўйларни туйган шаббода,
Хонни қилар Қўли Ирокдан.

Ва ҳуснига термулиб интиқ,
Шошибгина кўз очар сахар.
Шунда пайдо бўлади бирдан,
Чаккасига гул таккан шахар.

Баҳорлари окди умримнинг,
Деразмдан куз мўралади.
Ўтавердим бокмайин, вақтнинг
Сочларига оқ оралади.

Ерга қўймай ўстирдим хижрон,
Юрагимда бўйига етди.
Яна ёндим, ёкилдим чунон,
Кўнгил деган юртга ўт кетди.

Оловлари кўзимдан оккан,
Кўксим узра муштар ураман.
Қайга бормай, ортимдан боккан
Бир нигоҳни сезиб тураман.

Йўлларимга бир нигоҳ махтал,
Ўз юкнини ўзи юклайди.
Мен ғалати бўлсам керак сал,
Дайди руҳим кўнгилсирайди.

Меида мендан зерикди танам,
Толиктирди кўзимни чирой.
Пичанларни елкалаб онам,
Далаларда юрган, хойнахой...

Нигора МУҲАММАД

Наманган

ҚАДРЛИ ХОНАДОН

Тинглаганим ишк номли куйдур,
Такрор-такрор
тинглайман кунда.

Бу уй жуда файзли уйдур,
Мен севган қиз яшайди унда.

Ёр ишқиди ўйга толаман,
Маъни борми билмайман бунда.

Шу уй томон қараб қоламан,
Мен севган қиз яшайди унда.

Сўзларим гох кетади янглиш,
Сехр борга ўхшайди шунда.

Бу уй менга жудаям таниш,
Мен севган қиз яшайди унда.

Ўзга учун асло гул термам,
Қолсам қолиб хижронли тунда.

Юрагимни ҳеч қимга бермам,
Мен севган қиз яшайди унда.

ПАРАДОКС

Сўз очмадим топиб бир чора,
Сўзларим ҳам эмас охапчили.
Сенсиз менинг оламин қора,
Мен йўқ сенинг хаётинг рангли.

Мисли хижрон менинг тўрт
ёним,
Юрак – бағрим кетди эзилиб.
Севилмадим сени деб жоним,
Аммо мен деб юргин севилиб.

Индамадим мени босди сир,
Энди хижрон бағрим юляпти.
Сенсиз менинг бахтим қародир,
Менсиз сенинг бахтинг қуляпти...

Мен ичмайман асло май, шароб,
Бир-бировини англай деб шахсан.
Ҳолим менинг тобора хароб,
Сен тобора гўзаллашапсан.

Эркинжон ҲОЖИМАМАТОВ

Тошкент вилояти

БОЛАЛИК

Ортда қолса қанийди тезроқ,
Ташлаб кетса бекарорлигим...

Чанг кўчада ҳамон ўйнайди,
Оқ капалак қувиб болалик.
Ариқдаги қайиқча қани?
Ўша ёққа сузиб борайлик.

Олчамизнинг гул, япроклари
Тўкилибди остонамизга.
Тўкилиб боради хисларим,
Армон деган ғамхонамизга.

Эсингдими, туллари синглим,
Талашардик бир юлдузни гох?
Энди сенга уни бергайман,
Куёш менга бўлди овунчок.

Кўзларимга қайтгим келяпти,
Қайтгим келар нигоҳларимга.
Мен ўзимни жуда соғиндим,
Чарчаб кетдим ох-воҳларимдан.

Кўчаларда ҳамон ўйнайди,
Улкан юрак, бегуборлигим.


Бўғзимга ёпишди бир қузак,
Отриклари меники эмас.
Пойимда ул япроқлар ёди,
Соғинчлари меники эмас.

Сароблар тўкилди жунуваш,
Харобалар узра беркинди.
Қулаб тушган устувлар ичра,
Умидларим қузга чекинди.

МАНЗАРА

Мохларойим
ЮЛДАШҲЎЖАЕВА

Андижон



РЕГИСТОН

Регистон...
Кошинлар қуялар муножот,
Хужралар жўр бўлар,
Ҳадди аълога.
Асрлар қилди раб
хокинган нажот,

Айландинг,
қуламас, собит қалъага.
Регистон...
Кийикни қуялаётган шер,
Тикилган нигоҳга не хикоят дер,
Ялангтўш кўксининг тасвири бу?

Эзила-эзила тугалланмас шеър!
Регистон...
Олтинлар сочилар бошдан,
Тиллақорими бу, тилла қонми бу?
Гумбазми,
ё фалак, қажқашонми бу?

Яқиним,
хаттоки шу кўзу қошдан,
Келсанг,
кета олмас бир маконми бу?
Регистон...
Мадрасан олий ястанар бунда,
Хар кеча Зиж битар
Улғубек Мирзо.
Юлдузлар жилмайган шу соқин тунда,
Ул зот шогирдига айларми имо?

Регистон...
Уч бурчли туморсан,
юртим бўйида,
Хар кеч зулмат аро таратиб зиё.
Ёр юзи ашула айтар қўйинингда,
Ўзинган дунёлар ичра бир дунё.
Регистон...

БИР МУҲАББАТ ТАРИХИ

Эсизгина муҳаббат,
Муниггина муҳаббат,
Бир бор севдим демаган
Тилсизгина муҳаббат.

Йигит севди – айтмади,
Қиз гурурдан қайтмади.
Қолиб кетди қишлоқда
Маъюсгина муҳаббат.

Ёр-ёр айтди янгалар,
Дилни ўртар тангалар.
Энди йиғлар бурчакда
Ожизгина муҳаббат.

Йиллар юзга йўл қизди,
Сочга марварид тизди.
Учраштирди йўлакда
Тенгсизгина муҳаббат.

Қулди юзлар шониси,
Севимли бегонаси.
Яркироқ пешонаси
Шўр, тузгина муҳаббат.

Шўх қулар ўғилчаси,
Қўллариди қўлчаси.
Хўрсинади юракда
Ҳолсизгина муҳаббат...

Эсизгина муҳаббат,
Муниггина муҳаббат.
Бир бор севдим демаган
Тилсизгина муҳаббат...

Ситорабону ШОМУРОВА
Самарқанд



Хўроз бепахал қичқирди. Аммо унинг кичқирғига ҳеч қим парво қилмади, чунки қовлида ҳамма ўз юмуши билан овора эди. Пастаккина хужрасида ўтирган уста Соли ҳам эски кадрдоннинг сўзларига бепарво қулоқ тутарди.

—“Отинг борида йўл тани, эсинг борида эл тани”, дерди раҳматли отам. Қанча йўл кўрдик, қанча эл танидик, Яратганининг ўзи билди. Мана энди, остона хатлаб кўчага чиқсанг ҳам қатта гап...

— Ха, одамзоднинг ҳоли шу, — деб бошидаги дўпписини қўлига олди уста Соли.

Наим оксокол ташқарида қуй-маланиб юрган ёш-ялангларга дераздан термулганча яна давом этди:

— Бу ўртада кўпи кетиб ози қолганлардан сену мен, Эҳсон учаламиз бўламиз. Эҳсонни ана бориб кўриб келаман, мана бориб кўриб келаман дейману ҳеч оёғим етмайди. Бечора анчадан бери бир жойда ўтириб қолибди. Болалари яхши қарашяпти деб эшитдим. Лекин кўнглим тортаверади, бир кўриб келсам. Ўғилга айтсам, нима қиласиз қишининг қуни бўлса, ҳозир бировнинг уйига биров синадимми, дейди. Унинг гапини қара, қачондан бери бир-биримизнинг уйимизга синамай қолдик?!

Наим оксокол шу охири гапини айтдию кўздан ёш юмалади. Уста Соли заиф ва паст охангиде:

— Дунёсини бизга бойлаб берибдими? Такдирда борини кўрамыз. Тириклик шу. Баҳоргача қим бору ким йўқ.

Шу қўйи икки чол анча гурунглашиб ўтиришди. Тез-тез чойни янгилаб туришди. Уларнинг дуоси билан тўйи оши очилди. Наим оксоқоқнинг сўзига ҳавола ошнинг олдида маҳалладаги ноҳорларга, азадорларга, беморларга солиб киргизилди. Бомдод намозидан кейин меҳмонларга барака киргандек. Ҳовли тўла одам бўлди. Наим оксокол кетмайман деб оёқ тираб туриб олса ҳам, ўғиллари қўярда-қўймай, уриниб қоласиз, деб олиб

БЕВАФО ДУНЁ

ҲИКОЯ

кетишди. Чексиз ялангликдаги ёлғиз дарахдек уста Солининг ўзи ёлғиз қолди. Қўли қалтираб чойдан бир-икки хўплаганча уй ичидан ташқарига назар солди. Тўйга келувчиларнинг кети қузилмади. Уй саҳни бошида ўтирган алоҳида меҳмонларга ошдан олдин шўрва тортилди. Улар олдида ёзилган дастурхон ҳам атрофдагилардан кўра анча тўқин. “Берсанг ҳаммага тенг бер-да, одам ажратмай, ҳамма бир ош билан қузаяпти-ку”, деб гўдранди уста Соли ичиди.

Кун биров очилиб қуёшнинг илик нури ёйилганда нонушта қузаб бўлди. Ташқарида ҳамма кўзи тўрт бўлиб қуёвнавқарни қутяпти. Улар айтилган вақтдан бир соат кеч

келишди. Кела солиб, қарнай-сурнай шовқини остида тўридаги уйга киришди. Қуёвни юқорига чикариб қўйиб, қичқирганча ўйин бошлаб юборишди.

Улар ичкарига оёқ қийими билан кириб кетишди. Бир-бирининг устидан пул сочишди. “Ҳа, пул топиб, бели оғриманг ах-мақлар”, деб пичирлади чол. Шунда бирдан ўша ўйин бўлаётган уйда кампирни омонатини топиригани ёдига тушди. Ич-ичидан хўрсинди.

Тўйдан ўн кунлар ўтиб Наим оксокол яна Уста Соли зиёратига келди. Кун заволга ет-гунча гурунглашиб ўтиришди. Ўтган-кетганларни эслашди. Икки қария бир-бирига анча куч, мадор бўлди.

Вақт ўтаверар экан. Ўша гурунгда ҳам хийла вақт бўлди. Кунлар анча узайиб қолди. Наим оксокол хасасига таяниб кўчага чиқиб, хар дом ўтирадиган ўриндиғига аста жойлашди. Юзини офтоб олиб, елкалари яна ҳам букчайиб қолди. Орадан чорак соат вақт ўтиб-ўтмай бир ёш йигит келиб қолди. Баланд овозда салом бергач чолга:

— Уста Соли опоки оламдан ўтидилар. Пешиндан кейин жаноза экан. Сизга айтиб қўйишимни тайинлашди, — деб изига қайдди.

Чолнинг ичидан бир нарсга узилгандек бўлди. Димоғи ачиша бошлади. Ариқдаги бўтана сувга термулганча жимиб қолди у.

Абдулазиз АБДУҲОШИМОВ

Фаргона

Исажон СУЛТОН, наср йўналиши ҳаками:

— Наср — оғир қарвон. Бу йилги Зомин семинарида наср йўналиши бўйича ўн икки нафар ёш ижодкор иштирок этди. Бир бирига ўхшашмади. Бари ўзига хос. Одатий анъана ва ўзга таъсирлардан қочишга уринаётганликлари қувонарли. Бари ўзига хос тафаккур тарзи, услубига эга. Аммо буларнинг бари ҳали шаклланиш босқичида. Семинар иштирокчилари билан доимий ҳамкорлик қилиш, бир-бирининг ижодидан баҳраманд бўлиб, хато ва камчиликларга ўзаро барҳам бериш мақсадида алоҳида телеграм гуруҳи очдик. Бундан бўёғига ҳам ижодий ҳамкорликда бўлиб, яхши натижаларга эришамиз, албатта.



Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ, адабий танқид йўналиши ҳаками:

— Юз нафар иштирокчининг икки нафари адабий танқид йўналишида ижод қиларкан. Юзга — бир, шу ҳам етарли. Озгина созгина. Улар ижодида таҳлил, қиёс ва ўзига хос ёндашув дастлабки босқичда ҳам сезиларли даражада кўзга ташланиб турибди. Хато ва камчиликлар кўрсатилиб, ютуқлар ҳам эътироф этилди. Хатолари тузатиб, ютуқларни кучайтириш мақсадида бир ойда бажариш шарти билан топшириқлар берилди. Муваффақиятли чиққан ишларни эълон қилиб, айрим ишлар устида ишлашга келишиб олдик.



ҚУШЛАР

Ичимдан қушлар учиб чиқадди —
бузиб қўксимдаги қафасни.
Юраксинам йиғлади:
“Қайтар!” дея бир гала қушни.

Такдир чорлаб қочқинни,
Мен шўрликдан яширар.
Сирларимни фох қилди
у асранди қушчалар...

Айбимни излайман ўзимнинг,
бўшаб қолган тўрга қўйиб бош.
Чангин қокқанам билан қўксимнинг,
юрак юпанмас...

Бас кела олмайман такдир қучига...
Қайтадан қуш сақлайман,
учиб кетмас!
Ясайман энди қафас ичига
яна бир қафас...

Осмонни ўлчадим қаричим билан
қўлларим толса-да
тўхтамадим ҳисоблашдан.

Охирига етай дегунча
йўқ сонларни яратдим
ҳеч қим билмас.

Менинг қаричларим
туғаб қоладигандай
билмасдан бу ҳисобнинг ечимини.

Ахир,
умрим осмон сингари
ўлчовсиз эмас...

Атагулла САТБЎЕВ

Қорақалпоқстан

Рафиқ Ўзтўрк таржимаси

Қорақалпоғистон Республикаси

Биз жаҳонга кўз-кўз қилгудек миллий қадриятларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Жумладан, ҳазрат Навоий ўзбекларнинг фахри-ифтихори сифатида кўп йиллардан бери дунё ахлига таниш.



Алишер Навоий
А. Назимов

Адабиётимизда улкан адиб Ойбек биринчи бўлиб Алишер Навоий сиймосини яратди. Адабиётимизда улкан адиб Ойбек биринчи бўлиб Алишер Навоий сиймосини яратди. Адабиётимизда улкан адиб Ойбек биринчи бўлиб Алишер Навоий сиймосини яратди.

жағига панжа уриш" чинакамнига катта жасорат, "аввалгиларга ўхшамас" ҳодиса бўлиб чиқди. Таниқли ижодкор ва мунаққид Хайридин Султонов таъкидлаганидек, шундай асарнинг "пандемия вабоси ҳаммамизнинг хаёт маромимизни издан чиқар"ган бир паллада дунё юзини кўриши чиндан ҳам жиддий ҳодиса.

Асарнинг тузилиши ўзига хосдир. Бир қарада роман анъанавий йўсинда битилган, муаллиф одатдаги хронологик кетма-кетликда, яъни қахрамоннинг болалигидан бошлаб то умрининг охирига қадар босиб ўтган хаёт йўлини батафсил ҳикоя қилиб беради. Қарийб 500 саҳифадан иборат салмоқли асар жуда катта ҳажмдаги тарихий фактлар ҳамда ходисаларни қамраб олган. Роман ўз олдига XXI аср ўқувчисига Навоий даҳосининг хилма-хил

дар саклини келган дўстлик мавзуси етакчи ўрин тутди. Ушбу дўстлик шўролар мафқура-раси замонида ўзгача талкин қилинди. Одатда, Навоий зотини шох дўстидан азият чеккан кимса сифатида тасвирланар, ҳатто реалист Ойбек калами остида чикан сатрларда ҳам муаллиф ўз истагига қарши бориб бўлса-да, бу муносабатлардан Навоийга кўпроқ озор келганини ургулашга уриниш сезилади. Му-стақиллик даври тарих ва адабиёт тарихига оид китобларда Хусайн Бойқаро билан Навоий ўртасидаги муносабатлар одилона, ҳаққоний талкин қилинади: бирининг илм йўлидан ва бошқасининг тахт азиятида айро йўлдан кетиши, кейин тегишлик шохлик тожони кўлга киритиш, дўстини Хиротга қаққиб олиши, Навоийнинг "Хилофия" қасидасини битгани, катта лавозимларда ишлагани ва х.к. ҳақида биламиз.

Шунингдек, Навоий Самарқандда мавлоно Фазлуллоҳ Абуалқайдам таҳсил олгани ва ҳоким Аҳмад Ҳожибек хомийлиги остида бўлганини биламиз, шунингдек, Сайид Ҳасан Ардашера мактуб битгани ҳақида ўқиганимиз. Ойбекнинг романида бир ўринда Навоий талабалик даврида ғарибликда кечган кунларини эслайди. Бироқ 8ш Наво-

сиғмай, тўлиб-тошиб оқарди", дея битган сатрлари катига яширинган шоир ҳаётининг нури ва ҳазин саҳифаларига ишора қилади.

Мафқуравий таъкид замонида яшаб ижод қилган Ойбек ўз романида қахрамонларига синфийлик мезони билан ёндашишга мажбур бўлган бўлса, Исажон Султон образларга инсонийлик мезонлари билан, айни пайтда, ўрта аср киши қарашларига таъинган ҳолда ёндашади. Романда турли ижтимоий табақаларга мансуб кимсалар шу қатламга хос йўсинда фикрлайдилар ва умргузаронлик қилдилар. Бунда шахзодалар тоғу тахт, улуг салтанат орасида ёндадилар, уруш беқлари жангу жадалларсиз ўзларини "зангаллар" хис қиладилар, мол-дунёга, фароғат фаровонликка ҳавас қўйган маликаю вазирлар ана шу туйғу етовида фитна-фасод йўлига кирдилар, оддий халқ гоҳ у, гоҳ бу ҳукмдорга итбат этиди, урушлардан зада бўлиб, баъзан исён қилади ва яна қисматга бўйсунди.

Исажон романида қатор тарихий шахслар ўзларининг бетақор янги кирраларини намойиш қилади, султон Хусайн Мирзодан тортиб ўнлаб тегишлик шахзодаларнинг жонли тимсоллари тарих қаъридан чиқиб келади. Роман персонажи Маждиддин хусусида

нинг яратилиш жараёни, тарихий ва тўқима шахслар тимсоли, жонли, ёрқин характерларни кузатиб, ундан барча ёшу тоифадаги китобхон ўзи учун излаганини топишига амин бўласиз.

"Алишер Навоий"га "Авалгиларга ўхшамас" қиссаси илова қилинган. Муаллиф бу замонавий қиссада улуг сиймога бугунги кундан туриб нигоҳ ташлайди, қўнғилида хавотиру ташвишларини тўқиб солади. Янги аср киши Навоийни қай даражада билади? Унинг ижоди чексиз бир уммон ва унинг туби ноёб маърифий дуру жавоҳирларга тўла бўлса, ундан қанчалар баҳраманд? Буюк аждоғимиз билан фахрлини хусусида бонг уриш, эхтиром ифодаси тарзида турли муассасаларда учрашуву тадбирлар ўтказиш, ғазалу рубоийларни қуруқ ёддан айтиб бериш ўғур шoirини чиндан идрок этишни билдирмайди. Алломанинг ўлмас ғояларини ҳам шунчаки қуруқ шoir деб англамаслик керак, улларда фақат ўз даври учун эмас, бугунги кун ва келажакда дахлдор теран ҳақиқат, ҳикмат мужассам.

Қиссада шулар билан боғлиқ кечаги кунининг дардлари – қадриятлар ўзгариши, инсоннинг моддият қўлига айланиши, илм-фанга эътиборнинг пасайиб кетганлиги, зиё ахлининг

НАВОИЙГА МАНГУ МАФТУНЛИК

кин" деганда тарихий мавзудаги ижод маҳсулларининг кенг китобхонлар томонидан сокин қабул қилинганлиги, турли тилдан ва тадқиқ, хабус мунозара мавзусига айланганганини назарда тутмоқдамиз.

Қаранг, бугунги кун адабий авлодига мансуб истеъдодли адиб Исажон Султон буюк Навоийга бағишлаган роман ёзибди. Юқорида эслатиб ўтган доврўғли асарлардан кейин Навоий мавзусига мурожаат қилиш, "Ойбек пан-

кирраларини очиб кўрсатиш, ижодининг чин моҳияти ҳамда тегишлик даври сиёсий ҳаётдаги бемисл ўрни нимадан иборат эканини айни XXI аср охирига нукта назаридан ёришиш мақсадини кўяди. Китоб муаллифининг айтмоқчи бўлган гапи шунчалар кўпки, унга ҳатто шу 500 саҳифа ҳам торлик қилгандек таассурот қолади. Исажон Султон шакли ҳам ҳазратдан олади: "Ҳазойин ул-маъоний"даги каби инсон умрини тўрт фаслга қиёслаб романни тўрт қисмга бўлади. Китобхон илк бора Навоийни инсон умрининг баҳори – бегубор болалик палласида кўради, бўлажак даҳонинг китобга меҳри, Фариддин Атгорнинг "Мантику-т-тайр"и билан танишуви, гўдак ёшдан чин санъат асарини хис қила билиш каби ноёб қобилиятининг намоеи бўлиши, мўъжаз қалбда ижод ҳаваси уйғониши ва "Ҳаройибу-с-сигар"нинг бошқа кўплаб шу каби лавҳаларини мароқ ва ҳайрат билан кузатади... Шу тариқа аста-секин фаслар алмашади, Навоий даври билан боғлиқ кўпдан-кўп тарихий ҳодисалар, шахслар, жангу жадаллар кўз ўнгимиздан кинотасмадаги сингари бирма-бир ўта бошлайди. Фақат бугина эмас, улларда табиат манзаралари, ўрта асрлар Хуросон давлати, Навоий яшаган манзиллар – Хирот, Машҳад, Самарқанд, Астробод сингари шахарлар, уларнинг ўз давридаги сурати, халқнинг хаёт тарзи, маишати, машғулот кизикарли тафсилотлари билан гавдаланади.

Навоийга бағишланган барча асарлардаги каби бу романда ҳам Навоий ва Хусайн Бойқаро ўртасидаги алоқалар, бегубор болаликдан бошланиб умрининг поёнига ка-

ийнинг тирикчилик вазидан навкарликка кириши, бу касбининг шафқатсиз, ғайринисоний табиатига чидай олмай, уни ташлаши, Самарқанддаги ноҳору муҳтож, забун кемчиши, Сайид Ҳасан Ардашерага ёзган мактуби замиридаги ҳазин бир мунг, ғам-андуҳни айнан янги романдан билиб оламиз. Ота-онаси ва яқинларидан айрилгандан хабар топганда, ёш йигитча қалбда кечган алам-изтиробларнинг гувоҳи бўламиз. Одатда, мумото адабиёт намуналарига муаллифининг хаётида рўй берган ҳодисаларнинг бадий образлардаги акси, сюжет асосидаги хаётий замин ошкор кўринмайди (махсус ҳасби хол мазмунидаги асарлар, албатта, мустанно). "Алишер Навоий" романида Исажон Султон шоир яратган ўлмас тимсолар – гоҳ Фарҳод, гоҳ Мажнун тилидан Навоийнинг ёш қалбда ўша кезларда тош бўлиб чўқиб қолган алам-изтироб, ўқинч-армонлардан сўзлайди. Романда шоир "Ҳамса"нинг "Лайли ва Мажнун" достонини ёзаётиб, ота-онасининг қабри қошидаги Мажнун холатини тасвирлаб туриб ўз дардини тўқиб солади: "У (Мажнун) ота эхтиромини қилиб, қошида юм-юм йилга, она қабри қошига ўтди: "...Эй жонининг қибласи, қибланнинг нури!.. Ҳақиқатан шундай ишлар бўлдики, сен кучдан кетдинг, мен бўлсам улгайдим. Хафта жонинг борган сари қариликка юз тутди, мен ўсиб воғла етдим. Лекин мен бахтиқора, лаънати, бир нафас ҳам қошингда ҳозир бўлолмадим. Шафқат билан кўлингдан ҳам туюлмадим...", дея надоматлар қилади. Ёзувчи "Ҳамса" достонининг ёзилиш жараёни ҳақида сўзлар экан: "Бир достон битиб-битмас, унга сиймай қолган дарду аламлар бошқасига кўчиб ўтар, инсон умрининг ранжу озорлари, севинчу шодиклари каби абадият бойлиқларининг қийматларидан сўзларди... Яшаб ўтилган умрининг афсуслари ва пушаймонлари бу ўринда ҳам байту ғазалга

тўхталиб ўтмоқ даркор. Ушбу образ Ойбек романидаги айёр, фитнакор вазирдан бирмунча фарқ қилади. Албатта, бу романда ҳам қахрамондаги ана шу жиҳатларга ургу берилган, бироқ айни пайтда "Алишер Навоий"даги Маждиддин, бизнингча, бир қадар табиийроқ ва соддарок, сазъисига, хаёт мақсадию маслагига мосроқ. Маждиддин молу дунё ҳаваси билан яшайдиган, хаёт қадрию мазмунини пул, моддият билан ўлчайдиган кимса. Унинг фожеси шундаки, Навоийнинг софдиллиги ва ҳалоллигини тушунмайди, унинг хаёт тарзи, дунёқарашини ўзининг тор мезонлари билан ўлчайди, тасаввур қилади ва баҳолайди. "Бу одам қисматида ўзини эмас, Алишер Навоий ва Низомулмулкни айбларди. Шулар бўлма-сайди, шох беҳабар, айшимни суриб юрардим. Навоий Низомулмулк билан тил бириктириб фитна ўчоғини куриб, султон қахуға ғазабни тўфонини Маждиддин томон бурган", дея хаёл қилади. Аслида, дунё молига бўлган ҳирси, ўзига ўхшаган кимсаларнинг адовати унинг бошига етади. Бу қисман аянч тақдири ўқувчини ҳушёр тортиради ва ҳатто ачинаш хиссини уётатади.

Юқорида айтганимиздек, "Алишер Навоий" муаллифининг мақсади кенг китобхон оммасига буюк аждоғимизни яқиндан таништириш, нури сиймоси ва хаёт йўлини ҳаққоний гавдалантириш ҳамда бу чин инсон, улкан ароб ва ноёб истеъдоднинг ўтмиш ҳамда абадият олдидаги улкан хизматини англаштидан иборат. Шунга қарамадан, Навоий асарларидан келтирилган мураккаб пурмаъно иктибослар, фалсафий ўй-мушоҳадалар, ғазаллар сатрлари остидаги маънолар таҳлили ва талқини профессионал – хос китобхон учун мўлжаллангандек таассурот қолдиради. Бироқ романи ўқиш асосида хилма-хил тарихий лавҳалар, бир ёқда жангу жадаллару бир ёқда ижоднинг сеҳрли онлари, машҳур битиклар-

қадрсизлини, китобдан, китобхонликдан йироқлашиш, маънавий таназзули каби муаммолари асар қахрамони зиёли-математикнинг ўткир нигоҳидан ўтади. Буюк Навоийнинг оташин муҳлиси улар хусусида хасрат ила бонг уради.

Қисса яқини умидбахш. Хайриятки, юртда ўзгариш, янгилаш шарафлари эса бошлади, чиндан-да аввалгиларга ўхшамайдиган бир даврга қадам қўйилди. Навоийнинг чин даҳосини англайдиган, унга муносиб авлод етишиши учун замин ҳозирланаётган. Ёзувчи қахрамон тилидан хитоб қилади: "Ҳазрат айтган ҳикматларни англайсизми? Қўрпизми равақингизни, орзу-ҳавасларингизга эришингизни, умрингиздан рози бўлиб яшашингизни истаб дуо қиладиган минглаб замондошларингиз бор. Бас етар! Қўтаринг қаддингизни! Тиник қўнғилингиз билан, содда тушунчаларингиз билан, улугларга хурматингиз кичикларга иззатингиз билан – сиз дунё бағридаги соф олтиндан кам эмассиз!"

Исажон Султоннинг "Алишер Навоий" асари янги давр руҳига мос бўлган тухфа бўлди. Адабиётимиз кўпдан бери шундай тарихий романига муҳтож эди. Тарихимиз ўз адабини кутаётган улкан сиймога бори. Исажон таллаган ушбу йўл келгусида улкан шахслар ҳақида янгидан-янги асарлар яратилишига туртки бўлажак. Зеро, бунинг учун барча имкониятлар бор.

Шоир Омон Матжон "Навоий ғазалига мухаммас"да айтганидек:

Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас...

Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.
Шоира НОРМАТОВА,
филология фанлари номзоли



Суратда: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Фаёзий.

Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиги

Забардаст адиб Ўткир Ҳошимовнинг 80 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда мен ҳам тожикистонлик бир муҳлис сифатида ёзувчи ва унинг китоблари билан боғлиқ хотираларимни ёзишга журъат этдим.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари эди. Тожикистон политехника институтининг ерга урса осмонга сапчийдиган уч талабаси – новлик Собиржон, ғончилик Дониёр ва мен Душанбе аэропортига келдик. Учмоқчимиз. Шу пайт кимдир: «Тошкентни бир айланиб кетмаймизми? Уй қочиб кетмайди-ку», деб қолди. Чамалаб кўрсак, чиңталар нарҳида деярли фарқ йўқ, зўр бўлса, Тошкентдан Ленинободгача автобуста етиб олармик. Таклиф маъқулланди. Самолёт ҳам тайёр, билет ҳам тезда топила қолди.

Шундай қилиб, биз Ўрта Осиёнинг марказий шаҳри – Тошкентга кўндик. Вақтимиз етарли. Шаҳарни беармон айландик. Бир пайт қарасакки, мағбуб уйи! "Кириб чикмаймизми?", дедим. Биров: «Нимага, кимнинг олдида?», демасди. Кирдик. Миллиция қиймидаги соқчи: «Йигитлар, кимнинг олдида кирмоқчи бўлсаларинг, аввал руҳсатнома олинглар», деди. Сўнг осма телефон ва осинглик рўйхатга ишора қилди. «Ўткир Ҳошимов» деган ёзув кўзимга оловдай кўринди ва беихтиёр кўлларим рақам тера бошлади.

– Эшитаман, – деди мулойим овоз. –...Келинлар!
Ўткир ака бизни ўриндан туриб қўтиб олди. Рост гап, биз мулақо

бошқача одамни тасаввур қилгандик. Телевизорда бот-бот кўришиб, газета-журналларда асарлари сурати билан тез-тез чоп қилинадиган, китоблари қўлма-қўл ўқиладиган адиб... соддагина одам экан.

Нима дейишни ҳам билмаймиз. Ўткир ақанинг ўзи бизни нуқулай вазиятдан чиқарди. Тожикистоннинг қайси шаҳридан эканимизни, қаерда ўқишимизни сўради. Махсус тайёргарлик кўрмаган бўлсак-да, Ўткир ақанинг ҳамма асарларини ўқиганимиз учунми, суҳбат ўз-ўзидан қизиқ бошлади. Бизни «Нур борки, соя бор», «Қалбингга қулоқ сол» асарлари қахрамонларининг кейинги тақдири, прототиплари, муаллифининг ёзиш услуби ва таржима кўпроқ қизиктирарди.

– Техника институтини талабаларининг математикада ва бошқа аник фанларда зўрлигини биларди-му адабиётга бунчалар қизикганини билмас эканман, – деди Ўткир Ҳошимов.
Роса суҳбатлашдик. Хайрлашаётиб, адибнинг доим ўзим билан олиб юрадиганим – «Нур борки, соя бор» китобига дастхат ёздириб олдим: «Укам Ҳайдаралига бахт ва омад тилаб. Муаллифдан. Имзо».

Хуллас, ўзимизга йўқ хурсанд, бошимиз оққан томонга йўл олдик. Борадиган тайинли жойимиз йўқли-

ги боис яёв борардик. Гапимиз мавзуси ҳамон ўша-ўша. Қизиқиб кетиб, "Парвона" спектаклига ҳам кирдик. Чиксақ, қуёш бота бошлабди. Шундагина ўзимизга келдик: "Э, энди нима қиламиз? Қаерда тунаймиз?". Таниш йўқ, бошпана йўқ. Буёғи, студентчилик: мехмонхонада тунашга пулимиз етмайди, енгил нонушга қилганмизу кун бўйи ҳеч нарса емаганмиз. Нима қилиш керак?

Тўқсонинчи йилларнинг охирилари. Раҳбарият мен ва яна бир кишини хизмат сафарига билан Тошкентга жўнатди. Йўлларга постлар қўйилган, икки давлат чегараларида божхоналар пайдо бўлаётган пайтлар.

Тошкентга осонгина етиб олдик. Ишимиз ўнгидан келиб, икки қулик юмушни тушгача баждардик. Иш битди, бошпана бор. Хотиржамлик билан шаҳар айландик. Гоҳ пиёда,

Бозордан чиқаётиб, кўчма китоб дўконига кирдик. Оғирдан-оғир сумкамни ерга қўйдим-да, китобларни кўздан кечирдим. Шу вақт Ўткир Ҳошимовнинг тўрт жилдик «Сайланма»сини кўриб қолдим. Худди қуруқ қолаётгандай дарҳол тўртала жилдди ва яна бир неча китобини олиб, бор пулимни сотувчига узатдим. Ҳамма пулини сарфлаб бўлган шергим: «Китоб олмасангиз бўлмайдим, қайтишга нима қиламиз?», деди. Мен эса хурсанд: «Парво қилманг, амаллаймиз, – дейман.

— Ахир, икки кун ўрнига бир кун тунаймиз-ку, қолган бир қулик пулимизни қайтариб оламиз». Мехмонхона директориға учрадик. Тушунтирдик. Аввалига у: «Жойларинг икки кунга брон (банд) қилинган», деди. Биз пулинг бир қисминигина олишимизни айтгандик, қўнда. Маълағимиз қайтарилди. «Сайланма»ни олиб, бир қулик истироҳатдан воз кечган, қийналган бўлсак ҳам қайфиятимиз аяло эди. Энг ноёб китобини қўлга киритганимиз-да.

Мехмонхона маъмурияти билан келишимимиздек, хонани бошқа мижозга бўшашиб бердик. Тонг азондан йўлга чиқиб, божхонага ҳам етдик. Ўша пайтлари Ўзбекистон худудиға кирганлар, айникса, Тожикистон фуқаролари хар қадамда текширилди. Божхоначиларда экстремистик мазмунидаги китобларнинг мамлакат худудиға олиб кирилиши олдини

АДИБГА ИХЛОС



Суратда: (чапдан) адиблар Одил Ёқубов ва Ўткир Ҳошимов. С. Махсумов олган сурат.

Бир амаллаб "Тошкент – Кўкон" автобусига чикиб олдик. Бир кун оч қолиб, туни билан автобусда йўл юриб, минг азоб, машаққат билан манзилга етган бўлсак-да, бирортамиз ҳам нолимадик. Чунки биз кимсан Ўткир Ҳошимов билан учрашгандик-да.

гоҳ автобусда, гоҳ трамвай, гоҳ метрода юрдик. Ўзимиз билмаган ҳолда «Ипподром»га бориб қолдик. Соғда-салом, кўзимизга нима яхши кўринса олиб, сумкага жойлайвердик. Пулимиз етарли. Олдик-олавердик. Қайтиш учун йўлқира қолди, холос.

Ҳайдарали МАДИБРОҲИМОВ
Тожикистон, Сўғд вилояти.

Жавлон УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ рассоми

ҲАЁТ ВА ИЖОД ЙЎЛЛАРИДАГИ ЎЙЛАР

Хар бир одамда босиб ўтган умр йўлига бир кур назар ташлаб оладиган пайлар бўлар экан. Айни кунларда умримнинг шундай палласида яшаётганим тез-тез хаёлимдан ўтиб турибди. Ҳазимга ўзим "Нахотки, 75 ёшга кирдим", деб ҳайрон бўлсам. Кейин ичимда "Сен хали чол эмассан, катта ёшли одамсан, холос", деб ўзимга тасалли берман. Ана шундай лаҳзаларда шу кунга қадар бошдан кечирганларим ёдимга келаверади...

Дунёни ларзага келтирган, энг қонли, қакшатчиг уруш тугагандан бир йил кейин дунёга келдим. Оч-яланғоч, енгил-юпун ҳаёт кечираётганига қарамадан, уруш туғашини одамлар жуда кўтаринки руҳ билан кутиб олишган. Шунинг учун ҳам Нисо буюмлар менга Жавлон деб илм кўйган бўлсалар, ажаб эмас. Лекин туғилганимда, Яратган пешонамга бу замонда жуда кўп яхши-ёмон воқеликларга гувоҳ бўлишимни битиб кўйган экан... Бу воқеалар хали туғилиб улгурмасидан бошланган. 1945 йил 6 ва 9 августда Америка томонидан Япониянинг Хирошима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташланган эди. Кетма-кет совуқ уруш деган бало бошланиб, қарийб 30-40 йил давом этди ва 1991 йили тугади. Бу орада фазога ракета учирилди, Юрий Гагарин Ер шарини айланиб келди, ойга Луноходлар бориб тушди. Шу замонда ўсиб-ўниб йигит бўлдим. Эйнштейн, Чарли Чаплин, Сергей Эйзенштейн, Сергей Герасимов, Малик Каюмов, Хамид Сулаймон, Ёлқон Тўрақулов, Чингиз Аҳмаров, Ойбек, Урол Тансиқбоев, Фаҳрул Фулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ботир Зокиров, Саид Аҳмад, Комил Ерматов, Феллини, Антониони, Пласидо Доминго, Лучано Паворотти, Луи Армстронг, Майкл Жексон, Сальваторе Адэмо каби буюклар даврида ўсиб-ўлғайдим. Бахтимга, бу инсонларнинг кўплари билан шахсан таниш бўлганман. Улардан ҳаёт ва ижод тарзини ўрганиб яшадим ва шахсларига тақдир қилдим.


Баъзан бугун таниқли расом бўлиб етишганим хақида ўйласам, ажабланиман. Чунки авлодимизда ҳам, олдин ўтиб кетганлар орасида ҳам расомлар бўлмаган. Хўлас, Москвадаги Кинематография институтини аҳоли баҳолагар тугатдим. Ҳаётининг тўғри йўлга тушиб олишимда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ишлаган асарларим худди ўша давр учун яратилгандек тилга тушиб кетарди. Деярли ҳамма ишларим муҳлис ва мутахассислар томонидан яхши кутиб олинди. Ижоднинг катта йўлига тушиб олдим. Институтни тугатган йилимко Иттифоқ расомлар уюшмасига аъзоликка лозим топилди. Изланишдан, ижод қилишдан, ўз устимда ишлагандан эринмадим. Натижалар кетма-кет келаверди. Ўзбекистон Расомлар уюшмаси бошқаруви аъзоси бўлдим. 1982 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвони билан

тақдирландим. 1984 йил Расомлар уюшмаси бошқаруви раиси бўлдим. Бу даврларда Ўзбекистоннинг бошга "тошлар" ёғдирилиб, "пахта иши" баҳонасида кўп инсонлар қораланди. Халқ депутатлиги сифатида бундай ноҳақ қораланган баъзи "айбдорларга" баҳоли қудрат нафим текканидан беҳад хурсандман. Қарийб 50 йилга яқин педагогик даврида кўп воқеалар бўлиб ўтди. Лекин 1991 йил 31 августда, Олий Советнинг навбатдан ташқари сессиясида, Биринчи Президентимиз И.Каримов Ўзбекистоннинг мустақиллигини эълон қилганлари ёдимдан чиқмайди. Буз депутатлар бу сўзларни оёкка туриб, гулдуроз қарасқалар билан кутиб олганмиз. Шу йиллар ичида жуда кўп янги асарлар яратдим, Вашингтон, Нью-Йорк, Филаделфия, Майами каби шаҳарларда кўргазмаларим намойиш этилди. Американинг нуфузли газета-жур-

чалари доирасини кенгайтириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган юмушлар борга ўхшайди. Бундан буён куй-қўшиқни ҳам, рангтаъсир полотносини ҳам компьютер ёзиб берар эмиз?! Унда одамдод овқат еб, диванга чиқиб юмалаб ётишдан бошқа нарсага ярамай қолади-ку?!

Дунё неча марта ларзага келди, қора вабо, қора оспалар, Африка эболаси, товук гриппи, ситир гриппи, СПИД, энди ундан ҳам баттарроғи – COVID-19!!! Дунёдаги киргин-баротлар-чи. Эрон-Ироқ уруши, Афғон уруши, Форс кўрфазидики урушлар, Сурия, Ливан, Фаластин — Исроил, Қоработ атрофидаги моҳаролар, сув талаши Тожкистон — Қирғизистон тўқнашувлари... Одамлар қанчон зарарлайди урушдан? Шундоқ ҳам ҳар хил балолардан одамлар қиррилиб кетяпти... COVID-19 хазиргача дунёдан 4 млн.га яқин инсонни олиб кетди. Жуда оғир йилларни бошдан кечираётимиз. Шу Ҳалларга бориб, телефон ўйнаб ўтирган ёшларга қараб юрагим сикилиб кетади... Ёшлик жуда тез ўтди кетади. Худди анхорнинг сувидай... Қайтиб келмайди. Ҳаётини айланиб ўкиб, ижод қилаётганларидан ижод қилиш, санъатда сезиларли эҳтирош кетишни ўйласа, ёмон бўлмасди. Олдига юқори мақсадларини қўйиб, унга эришишга чин дилдан ҳаракат қилиши керак. Булар менинг бир ижодкор сифатида санъатимизнинг турли соҳаларига оид йўл-йўлақай ҳаёлимга келган фикрлар.

Яна баъзи соҳалар бўйича ўйлаб юрган фикрларим бор. Театр расомлиги, яъни



налларида ижодим хақида мақолалар берилди, учрашувлар ташкил қилинди. Япония, Жапонир, Финляндия, Польша, БАА, Қувейт, Германия, Хитой, Италия давлатларида ижодий сафарларда бўлдим. Дунё кездим, санъат музейларида бўлдим, гўзалликлардан ҳайратландим. Чет элларни Ўзбекистон билан таққослаб, менинг юртим қанчалар жоннатомонанд эканидан қўнглим кўтарилди. Шу давр оралиғида жаҳон ҳам ўзгарди, одамлар ҳам.

Айни пайтда эса ижодим хақида эмас, кўпроқ педагогик фаолиятим хақида фикр юриштига эҳтиёмим катта. Институтдаги салкам эллик йилга яқин фаолиятим давомида кўрганларим ва педагог сифатидаги тажрибам бунга йўл беради, деб ўйлайман. Ҳозир уқитган шогирдларим ичида яхшигина истиснодликлар бора. Баъзи шогирдларим чет элларда ижод қилди, банд, Атрофга қарасангиз, зўр бинолар қад кўтараётти, ижод учун шароитлар яхши, устозлар ҳам етарли. Лекин тасвирий санъатда яна нималардир етишмаётгандек туюлаверади. Тўғри, ҳар қандай санъат турида қўтарилиш ва пасайишлар бўлиб туради. Аммо тасвирий санъатда том маънода ўсиш учун шароит бор пайтда, нега ўртамийналик кўпайяпти! Ёшларда шижоат етишмаётганими? Ахир, ижодкор ҳаммиса ҳаётини кўриши керак-ку. Масалан, ўзим, 75 ёшимда ҳам қўлимдан калам тушгани йўқ. Ижодий жараёнда фаол бўлишга ҳаракат қиламан. Баъзан талабалар "Ҳаётингизга мавзу қандай келди?" деб сўраб қолишади. Ёшлигим воқеаларга жуда бой бўлган. Эски шаҳарда катта бўлганман. Ўша пайтдаги шаҳар кўринишлари, одамлар кўз олдимга келади. Ҳозир ҳам ҳаётим тўла, атрофим тўла мавзу. Ҳар қандай ижодкор мавзунини ҳаётдан олади. Шунинг

саҳна безағига бугун эҳтиёж қолмапти. Замонавийлик шиори остида бугун бир соҳанинг йўқолиб бориши одами ўйланганим кўяди. Агар Фарбола шартлилик саҳна безағига асос бўлаётган бўлса, бу бизда ҳам айнан шу йўналишни қабул қилишимиз шарт, дегани эмас. Ҳар бир халқ бирор янгилик яратилганда, аввало, миллий менталитетидан келиб чиқши керак. Биз Шарқ одамларимиз, шакланган театр санъатимиз ва бу соҳада анъаналаримиз бор. Жумладан, саҳна безағига ҳам. Шу маънода саҳна безағига шартлилик ҳам ўзимизга хос бўлиши керак.

Ҳозирги фильмларимиз, назаримда, видеога ўхшаб қоляпти. Тўғри, барча фильмларни кўриш имконияти йўқ. Лекин кўрганларимдан чиқарган худосаларим шунки, бугун бизнинг кино санъатимизда ёритувчи, бузафор, дуббёлар, расомчи, малякчи-гримчилар камёб бўлиб бораётти. Ваҳоланки, айнан шу соҳа вақилларининг профессионал ёндашуви асосан халқнинг юқори савийда суратга олиш мумкин эмас. Менимча, театр ва кино актёри ўртасида катта фарқ бор. Худди, шунингдек, дубляж соҳаси ҳам ижодкордан жуда катта маҳоратни талаб этади. Афсуски, бугунги дубляж санъатидан анча йироқ бўлиб қоляпти. Кинода мусика катта роль ўйнаши ҳаммамизга маълум. Илгари, назаримда, фильмлар учун алоҳида мусика ёзиларди. Ҳозирги кино асарлардаги аксар мусикалар шунчаки танланганга ўхшайди. Яъни мусикалар воқеликнинг мазмунини очиб беришга, тўлдирришга хизмат қилмайди. Шу ўринда фильмларда операторлик иши ҳам ҳаммиса қўнғилдагидек эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Бугун мусика оламида яқши симфониялар, кантата, ораториялар камёб. Ушбу йўналишларда яхши асарлар яратиш ва уларнинг тинглов-

чилари доирасини кенгайтириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган юмушлар борга ўхшайди. Бундан буён куй-қўшиқни ҳам, рангтаъсир полотносини ҳам компьютер ёзиб берар эмиз?! Унда одамдод овқат еб, диванга чиқиб юмалаб ётишдан бошқа нарсага ярамай қолади-ку?!

Дунё неча марта ларзага келди, қора вабо, қора оспалар, Африка эболаси, товук гриппи, ситир гриппи, СПИД, энди ундан ҳам баттарроғи – COVID-19!!! Дунёдаги киргин-баротлар-чи. Эрон-Ироқ уруши, Афғон уруши, Форс кўрфазидики урушлар, Сурия, Ливан, Фаластин — Исроил, Қоработ атрофидаги моҳаролар, сув талаши Тожкистон — Қирғизистон тўқнашувлари... Одамлар қанчон зарарлайди урушдан? Шундоқ ҳам ҳар хил балолардан одамлар қиррилиб кетяпти... COVID-19 хазиргача дунёдан 4 млн.га яқин инсонни олиб кетди. Жуда оғир йилларни бошдан кечираётимиз. Шу Ҳалларга бориб, телефон ўйнаб ўтирган ёшларга қараб юрагим сикилиб кетади... Ёшлик жуда тез ўтди кетади. Худди анхорнинг сувидай... Қайтиб келмайди. Ҳаётини айланиб ўкиб, ижод қилаётганларидан ижод қилиш, санъатда сезиларли эҳтирош кетишни ўйласа, ёмон бўлмасди. Олдига юқори мақсадларини қўйиб, унга эришишга чин дилдан ҳаракат қилиши керак. Булар менинг бир ижодкор сифатида санъатимизнинг турли соҳаларига оид йўл-йўлақай ҳаёлимга келган фикрлар.

Ана шундай ўй-фикрлар орасида ўзимга ўзим "Бугун айни ижод қилганим пайтинг", деб тасалли берман. Бир жойда ишсиз ўтиролмайман, ҳаракатда бўлиш ёқай менга. Қўлимда ё китоб бўлади, ё қоғоз. Турли газета-журналларга обуна бўлганман. Дунёда бўлаётган воқеалар, ижодий жараёнлардан хабардор бўлиб бораман. Ўзим ёқитган шоирларнинг шеърларини ўқиб тураман. Насрда ёзилган асарларини кўпроқ ёқираман. Айниқса, тарихий асарларни ўқиб менга хузур бағишлайди. Яқинда сийёсий арбоблар Жамол Абдул Носир ва Усмон Юсупов хақидаги китоблар қўлимга тушиб қолди. Бирининг Миср озолиги йўлидаги, иккинчисининг Катта Фаргона канали қурилишидаги хизматлари хақида маълумотга эга бўлдим. Хўлас, китоб том маънода одамининг дўсти. Бугунги кунда бекорга китоб ўқиш тарғиб қилинаётгани йўқ. Ёшларимиз учун китоб қуналик эҳтиёжга айланиши тиланган бўлардим.

Энг муҳими, оилам тинч, фарзандларим аллақачон ўз йўларини топиб олишган. Аёлим санъатшунос, менинг биринчи танқидчим, Иккала Уғлим ҳам дизайнерлик соҳасида услубига эга. Лекин кичик ўғлим мендан ҳам чиройли суратлар чиғади. Бундан фахрлидан кўяман. Невазарларим катта бўлиб қоляпти. Қандай соҳада бўлса ҳам ҳалол, ўз ишининг устаси бўлиб етишиларини орзу қиламан.

Инсон дунёга келади, яшайди, лекин ҳеч ким ўзини қанча умр берилганини билмайди. Шунинг учун ҳар бир одам умрини мазмундор қилиб бориши керак. Шаҳсан ўзим шундай яшашга ҳаракат қиламан ва бугунги ҳаётимдан хурсандман. Тинч-хотиржамман, маошим етиб турибди. Агар таълим бераётган 100 та ўқувчимдан биттаси истиснодлик чиқиб, ютуқларга эришса, қолган ҳаммасининг ўрнини босиб кетади, деган умиддаман.

Г.УМАРОВА ёзиб олди.



ИЖОДИЙ РУҲ, ИЖОДИЙ МУҲИТ...

Давоми, бошланиси 1-саҳифада

Ишга ижодий ёндашув – изланувчанлик ва алоҳида, ўзига хос фикрлаш қобилияти демакдир. Ижодий фикрлаш тарзи, истайсизми-йўқми, аксарият ҳолларда умумий оммалардан яққол ажралиб туради. Шу боисдан ижодкор инсонлар ҳаёти ва фаолияти ҳаммиса енгил кечавераман. Чунки ижодий фикрловчилар ҳар кимга ҳам хуш келмаслиги мумкин.

Бугун янгилик яратиш ва уни юзага чиқаришда шароит ҳамда имкониятлар ҳар қачонгидан-да кўпроқ. Ортаимизда дунёнинг энг нуфузли олий ўқув даргоҳларининг филиаллари очилмоқда. Инсоният илм-фани хазинасидан баҳраманд бўлиш мақсадида хорижда ўқиш ёки Интернетдан фойдаланиш имкониятлари ошиб бораётти. Аммо мавжуд андозалардан ижодий фойдаланиш бошқа, уларни кўр-қўрога кўчириш бугундай бошқа нарсалар эканини унутмаслик керак. Масалан, Буюк Британия пойтахтининг қаеридадир "I love London" деб ёзилган бўлса, бизда ҳам айнан "I love Tashkent" шаклида ёзув ўрнатиш, бизнингча, макбул ҳам, ўринли ҳам бўлмайд.

Ижодий фикрлаш – илгор технологиялар яратиш, илмий-техник кашфиётлар қилиш, демакдир. Президентимиз буни кўп такрорлайдилар. Олимлар билан учрашувда хорижий юксак технологияларга ҳавас қилишимиз, лекин баъзан ўзимизда бирор янгилик яратилса, минг хил "чигирик"қа дучор қилишимиз каби таассуфли ҳоллар мавжудлиги хақида қунонни айтган эдилар.

1997 йили Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг олий тоифали конструкция Абулдула Тешабоев "Бургут" деган енгил самолёт лойиҳасини чиқаргани хақида матбуотда хабар берилган. Орадан чорак асрга яқин вақт ўтди. Қани ўша "Бургут"? Уни ишлаб чиқариш учун ўзимизда имкониятлар бор-ку? "Бургут"нинг йўлида қандай тўсиқлар бўлган?

Ўринсиз, ҳақдақ ташқари чуқур назорат муҳити ўз навбатида ижодий фикрлаш ва ижодий муҳитни барбод этади. Унинг ўрнини ҳадиқ, журыатсизлик, лоқайдлик ва боқимандлик эгаллайди. Юртимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президентлигининг илк кунлариданок ушбу ҳақиқатни қот-бот уқтириб келаётти. 2019 йил 26 декабр кун Абулдула Қодирий ижод мактабидан зиёлилар билан бўлган учрашувда Президентимиз: "Абулдула Қодирий ижод мактабида ўқитган бу болалар янги Ўзбекистоннинг келажиги бунёдкорларидир. Барча умумтаълим мактаблари ушбу ўқув даргоҳидан маънавиятни, маърифатни ўрганиши лозим. Чунки бу ерда таҳсил олаётган болалар нафақат маънавиятлик, балки ўз ватанини юракдан севувчи истиснод эгалари. Биз ижод мактабларидан ватанпарвар ёшларни тарбиялашни мақсад қилганмиз", деди.

Бу сўзларидан улкан меҳр ва эзгу орзу-ниятлар мужассам. Дарҳақиқат, ижодий фикрлаш – меҳр ва ишончдан қуч олади, униб-ўсади.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Жаҳон миқёсда глобаллашув жараёни гоят тезлашган ҳозирги даврда миллий ўзлигини сақлаш ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш орқали ёш авлодни эзгу анъаналар руҳида тарбиялаш ҳар қачонгидан кўра муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Айниқса, қадимдан ўзига хос бадий қадриятлари билан дунё поэтик таваққули тараққий этган ҳисса қўшган Буюк Ипак йўли минтақаси халқларининг беизбир озғанида ўз ифодасини топан яратувчилик, яхшиликни угулаш, ҳамжihatлик, меҳр-оқибатлилик, самимият, муҳаббат ва вафодорлик, кексаларни қдрлаш ва ёшларни эълвозли каби эзгу гоялар асарлар мобайнида қамил инсонни тарбиялаб вояга етказишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб келган.



Шунинг учун ҳам ушбу минтақада истикомат қилувчи халқларнинг фольклор анъаналари тарихи, шаклланиш жараёни ва тадрижий ривож, халқ озғани бадий ижодининг миллий ўзига хослиги, жанрлар таркиби, ижро усуллари ва маънавий-маданий ҳаётда тугатган ўрни масалаларини киёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш номодий-маданий мерос дурдоналарининг ҳаётбахш моҳиятини янада кенроқ қўламда тарғиб қилишга имкон беради. Пуштун халқ ижоди ва адабий мактаблари, Шарқ музмтоз адабиёти ва адабий алоқалар масаласига доир кўплаб йирик тадқиқотлар муаллифли, танқиди шарқшунос олими, профессор Абдурахим Манноновнинг "Афғон халқ озғани ижодиёти" номли монографияси асари ҳам илҳамлар олис асарларга бориб тақалладиган қадимий фольклор анъаналаридан бирининг пухта илмий таҳлили ҳисобланади.

Абдурахим Маннонов узок йиллар мобайнида Афғонистонда яшовчи халқларнинг фольклори ва ёзма адабиётини ўрганиб келган олимдир. Афғонистон кўпмиллилатли мамлакат бўлиб, унинг ҳудудида 30 дан зиёд катта ва кичик халқлар ва эллатлар, этник гуруҳлар, жумладан, пуштунлар (афғонлар), дарийзабонлар, ўзбеклар, хазоралар, тожиклар, чораймоқлар, туркманлар, нуристонликлар, балуҷлар, ҳиндлар ва бошқалар истикомат қилади. Бу халқ ва эллатларнинг барчаси ўзига хос урф-одат ва маросимлари, асарлар оша шаклланиб келган маданияти, мифопоэтик тасавурлари ва инонч-эътиқодларига эга. Айниқса, халқ озғани бадий ижодида уларнинг тарихи, анъаналари, диний қарашлари, урф-одатла-

ри билан бирга ҳар бирининг ўзига хос қисмати ва турмуш тарзи ақб этган.

Олим Афғонистонда истикомат қилувчи пуштунзабон ва дарийзабон аҳоли озғани бадий ижоди материалларини тўплашга киришиб, мамлакатнинг турли худудларидан ёзиб олинган афсона ривоятлар, эртак ва нақиллар, мақол-маталлар,

ҚАДИМИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ

достон ва киксалар, латиғаю топишмоқлардан иборат ноқир манбаларни бир жойга жамлади. Натижанда сервикор чўқили тоғлар орасидаги сўлим дараларда оханрабодек жаранлаган лўдй деб аталувчи қадимий кўшиқлар, кўкаламзор водийлар бағридаги мўъжазгина кишлоқ кексаида жойлашган томи лойсувоқ уйдан тараётган мунис она алласи, тошлардан тошларга урилиб паства шошаётган шўшхан дарё соҳилидаги мажнунтол соясинда ўтириб гурунқ қилаётган кекса чолларнинг афсонаю эртаклари, сувсизликдан қақраб ётган жазирама дашту бибёнолар узра янраган дард тўла тарихий кўшиқлар, шунингдек, киксахонлар репертурида сакланиб қолган ишқий-романик, ҳаёлий-фантасстик ва диний мавзудаги киксалар, достонлар, кўплаб ҳикматли сўзлар, мақол-маталлар ва топишмоқлар тўпланди.

А.Маннонов ўз тадқиқотида пуштун халқининг гоятда бой, сермазмун, ўзига хос ва бетакрор озға-

ки ижодиёти намуналарининг жанрий мансубияти хақида фикр юритар экан, уларни даставвал маросимга алоқадор бўлган фольклор асарлари ҳамда маросим фольклори намуналари каби икки катта типга бўлиб таснифлайди. Таҳлил натижасида тарихий илҳиллари жуда қадимий замоналарга бориб тақалладиган пуштун фольклорида Ипак йўли минтақасида истикомат қилувчи бошқа халқлар озғани бадий ижодида учрамайдиган ўзига хос кўшиқ жанри – икки мисрали шеърини банд тузилишига эга "ландэй"лар ёки "нимакэй", "бўтатэй", "бабулола", "лўба", "сондз норе", "қокари норе", "сарукай", "дэ атан норе" каби шеър ва кўшиқ турлари, оригинал сюжетли кикса-эртаклари мавжудлиги аниқланган. Масалан, эртак жанри жаҳоннинг деярли барча халқлари озғани бадий ижодида мавжуд бўлишига қарамадан, унинг пуштун фольклорининг "кисса-эртак" шаклидаги типи ижро усули, сюжет қурилиши ва мотивлар таркибига кўра фарқлини туради.

Афғонлар орасида озғани тарзда тарқалган ҳаётий-новеллистик кикса-эртаклар эса ҳажман анча кенг қамровлилиги, сюжет қурилиши занжирсимон тузилишига эгаллиги, тасвирландиган воқеликнинг эпик қўлами катталиги билан ўзига хослик касб этади. Хусусан, халқ орасида кенг тарқалган "Фатехон Баретсай", "Мусаҷон ва Валиҷон", "Довурак факир ва шох кизи", "Яҳши маслаҳат эвазига берилган нон", "Уч оға-инилар ва ёқут", "Айёр талаба ва муаллим" каби ҳаётий-новеллистик кикса-эртаклар бадий тасвир қуюқлиги, ҳикоя жозибадорлиги ва сюжетнинг қизиқарлилиги билан тингловчини ўзига ром этиши қайд этилган. Бизнинг фикримизча, пуштун фольклорининг кикса-эртакларининг бу типини ўзбек халқ озғани ижодидаги новеллистик эртакларга ўхшаш бўлиб, келгусли ҳар икки халқ фольклорининг мазкур жанрларини киёсий-типологик нуқтаи назардан ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Маълум бўлишича, афғон халқининг жонли озғани мулоқоти жараёнида қўлланилиб келинаётган мақолларнинг умумий сони ўн мингдан ортироқ бўлиб, фикрни гоят сикик шаклда ифода этишга асосланган бундай фольклор асарларида халқнинг ўзига хос турмуш тарзи билан боғлиқ тушунчалари, ҳаётий тажрибалари ва кўнжималари, асарлар синоивдан ўтиб, пурҳикмат қадриятлар ҳолига келиб қолган ахлоқий-этик қарашлари ўз аксини топан. Таҳлил натижасида аниқланишича, пуштун мақолларида асосан халқнинг дехқончилик ва чорвачилиқдан иборат ҳаёт тарзи ўз ифодасини топан бўлса-да, уларнинг паремологик меросида илм-маърифат, донишмандлик ва нодонлик, оқиллик ва жоҳиллик, ақл-идроқ, билимдонлик ва билимсизлик ҳақидаги мақоллар ҳам кўп учраар экан. Китобда таҳлилга тортилган "Дони кини сўздан маълум", "Истеъдод – қуёнинг қўзи", "Ақлли олдинга юради, орқага назар солади", "Ақл донога

дўст тутинади", "Оқилга – ишора, ақсизга – қалтак", "Ақлин бўлмаса, ҳеч нарсанг йўқ" ва шу каби бошқа мақоллар пуштун халқ озғани бадий ижодида илму ҳунар, донилик ва зуқуллиқни тарғиб қилувчи ҳикматли сўзларнинг ҳам салмоғи катталигини дарак беради. Китобда пуштун халқ мақолларининг мазмунидан келиб чиқиб, шартли равишда баҳт ва бахтсизлик, хурсандчилик ва душворлик, мусибат ва қулфат, розилик ва норозилик; тақрибкорлик, тадбиркорлик, истиснодлик, билим ва билимсизлик, жоҳиллик; меҳмоннавозлик, исрофгарчилик, яҳши ҳулқ ва одоб эғаси бўлиш; севги ва муҳаббат, дўстлик ва душманлик, ростлик ва ёлғончилик; соғлик ва бетоблик, ёшлик ва қарлик; тириклик ва ўлим; фарзанд ва она, аёл ва эркек каби гуруҳларга ажратиб таснифлангани эътиборлидир. Мақолларнинг бундай мавзу тилпарига ажратиш уларнинг моҳияти ва мазмуни янада теранроқ тушуниш имконини беради.

Маматқул ЖўРАЕВ, филология фанлари доктори, профессор



МАЪНАВИЙ САБОҚЛАР ДЕБОЧАСИ

Зомин семинарининг сўнгги кунда бўлиб ўтган ёш ижодкорларни тақдирлаш маросимида уч кун мобайнида маҳорат дарсини ўтиб, улар билан чин дилдан суҳбат курган ҳакамлар хайъати аъзолари ёш қаламкашларнинг ижодига ҳолис баҳо берди.

Ахмадҷон МЕЛИБОВЕВ,
бадий публицистика йўналиши бўйича ҳакам:
— Бадий публицистика йўналиши бўйича иштирок этган 8 нафар иштирокчининг ҳаммаси фаол. Ўз худудларидаги газеталар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган.

Гарчи суҳборларнинг чинкиши менга манзур бўлса-да, уларни бир-бирдан ажратиб, алоҳида кўрсатиш жуда қийин. Ҳаммаси ўз услуби, ўз овозига эга. Аммо барчаси ижодий қамолотнинг дастлабки босқичида бўлгани боис, ўз йўллари ҳақида жиддий ўйлаб қўришлари керак. Чунки бугунги публицистика ҳиссиёт эмас, фикр, таҳлил, янгича талқин, қиёс ва ўзига ҳос ёндашувни талаб этади.

Рустам МУСУРМОН,
шърият йўналиши бўйича ҳакам:
— Республика ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинари энг улуг, энг азиз байрам — Ватанамиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлангани билан улкан аҳамиятга эга. Ижодий машғулотларда ёшларнинг Ватанга бўлган муҳаббат жўш урган шъарлари ўқилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах вилоятлари ёш ижодкорлари билан олиб борган ижодий машғулотларимиз чоғида уларнинг янгича услуби, ўзига ҳос овози, самимий ҳис-туйуларининг ҳароратини яққол ҳис этдим.

Ўн тўққиз ёшли Умиджон Қодиров (Арнасой), Бозорбой Жўдасбоев (Нукус), Муийба Отамуродова (Хоразм) каби ёш истеъдодларнинг шъарларидан кўнглимиз тўлиб-тошди. Улар Зомин семинарининг кашфиётларидир.

Николай ИЛИН,
рус адабиёти йўналиши бўйича ҳакам:
— Бу йил рус адабиёти йўналиши бўйича ёшларимиз икк бор иштирок этмоқдалар. Қозоқ, қорақалпоқ, рус тилларида ижод қилаётган бугунги иштирокчи ёшларимиз, балки келажакда буюк ёзувчи бўлиб етишмаслар, аммо барибир ўзбек адабиёти ва санъати, маданиятини юксалтиришга муносиб хисса қўшишлари шубҳасиз. Барчамиз, қайси миллат вакили бўлишимиздан қатъий назар, шу Ватан, шу юрт равнақига ўз хиссамизни қўшишга бурчлимиз. Шундай эзгу мақсад йўлида ёшларга, жумладан, русийзабон ёш ижодкорларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан Ўриксийодек сўлим гўшада яратилган шарт-шароит рус ва қардош халқлар адабиёти муштараклигини таъминлашга, ўзбек маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Ориф ТҶУХТАШ,
болалар адабиёти йўналиши бўйича ҳакам:
— Сўзга, ижодга меҳр бобида мен ёшларда ўзгача бир ғайрат-шижоатни кўрдим. Таниқли шоира Зебо Мирзо айтганидек: "Илоҳи бўлганида юрагимни бугунги ёшларнинг юраги билан алмаштирган бўлардим. Чунки улар биз қилолмаган ишларни, биз ҳис қилмаган тўққинларни ҳис қилмоқдалар". Улар кўксига сақлашиб қолган мураккаб ва бегубор юрак жамиятини ўзгартиришига ишонман.

Сўнгги йилларда болалар адабиётининг йирик вақиллари бизни тарк этгани қанчалик қайғуга солган бўлса, уларнинг ўрнини тўлдириб, ишони муносиб давом эттириши қанчалик мушкул бўлмасин, бугунги ёшлар ижодини қўриб қўнгил биров таскин топади. Зомин семинарида иштирок этган ёшларнинг бегубор ва мураккаб тасавури билан митти адабиёт ихлосмандларининг кўнглига йўл топди, онгида катта ўзгаришлар яша шумкинлигига ишонч ҳосил қилдим.

Устоз ижодкорларнинг мулоҳазаларидан аён бўлдики, Зомин семинари ёшларга нафақат адабиётда, балки ҳаётда ҳам қандай йўл тутилса, юксак натижаларга эришиш мумкинлиги борасида улкан сабоқ берди. Бир сўз билан айтганда, семинар иштирокчиларига ёт иллатларга қарши вакцина вазифасини бажарувчи улкан маънавий сабоқ берилди. Бу ёшда олинган лозим бўлган маънавий сабоқлар дебочаси келажак адабиёт пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шухрат АЗИЗОВ

ШОИР

Ё алҳазар! Бу ҳаёт нима,
Инсон ким у нимадир очун?
Ҳаёт — уммон, инсондир кема,
Сузажаксан яшамок учун.

Ишонман, уммондир ҳаёт,
Қайиқ эрур инсонун тақдир.
Шоир ким у нима кониот?
Ҳаёт — Ҳовли, шоир бу — Тандир.

Тандирига Ҳовли Эгаси
Дард аталмиш ўтинлар қалаб,
Мой сепади чикар деб саси,
Ёнмоқликни этади талаб.

Бардошига берадио тан,
Ўйчан ниғох бирла боқади.

Синовларни оширар ҳаддан,
Ихлом деган гугурт ёқади.

Аламлардан қораяр Тандир,
Такрорлайди одилликлар йўқ.
Қаноатда тоблар сабр,
Қиздиради иймон деган чўғ.

Дард ичиди бўлиб жиганак,
Ўзганини ўзи топар у.
Тонг отгунча ўртаниб, ҳалак,
Шеър аталмиш ноиллар ёпар у.

Бир кам дунё, юз минг кам дунё,
Юлғич нонни юлиб кетади.
Тандир сира қилмағай парво,
Қул қолдими? Шу ҳам этади.

ЎТИНЧ

Майли, севма сен мени зинҳор,
Оловларга оттин жонимни.
Бир лаҳзада ҳаттоки минг бор,
Ёқиб ташла хонумонимни.

Майли, севма, сен мени зинҳор,
Қўлларингни берма қўлимга.
Тупроқдан-да этгин хору зор,
Минг азобни юбор йўлимга.

Майли, севма, ёқтирма зинҳор,
Барчасини тақдирга йўйгин.
Илтимосим сендан, эй дилдор,
Фақат сени севишга қўйгин.

Ойбек АКБАРОВ
Тошкент вилояти

КИТОБХОНЛИК

Менинг дунёни англашимда, вояга етишимда ота-онам, устозларимнинг ҳиссаси қанчалик катта бўлса, маънавий томондан шаклланишимда китобнинг ўрни ҳам шунчалик бекиёс. Орзуларим ҳам, ҳаяжоним ҳам, ҳаёлотим ҳам китобдан айро эмас. Кўнглимга яқин хисларни туярканман, бу дунёда китоб борлигига шукрона қиламан.

Мен ўзим аввалдан ўзбек ва жаҳон халқлари эртақларини севиб ўқиганман. Аммо китобхон дўстларимнинг аксарияти замонавий адабиёт, ўз китобларимиз билан чекланиб қолаётганига гувоҳ бўламан.

МУТОЛАА САНЪАТИ

Адабиёт уммон бўлса, миллий китобларимиз ундаги бир дарёча бор. Инсон ўз чанқоғини фақат бир қултум сув билан кондиролмаганидек, жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўқимай туриб, том маънодаги адабиётга ошно бўлолмаймиз. Шунинг учун, миллий адабиёт сарчашмаларидан қандай мазза қилиб баҳраманд бўлсак, хориж адабиётини ҳам шундай севиб мутолаа қилиш керак. Шунда солиштириш, муайян фикр, адабий қараш шаклланади.

Дуч келган китобни ўқиш энг қимматли бойлигимиз — вақтни йўқотишга олиб келади. Бозорда борини олиб ўқиш ё қандайдир "саргузашт" билан миёни тўлдириб, қалбни бойитмайдиган китобларни мутолаа қилиш чин ўқувчиға ҳос эмас. Адабиёт эрмак бўлмасин. Бугунги китобхоннинг энг катта хатоси ҳам асли-

да шу. Маботдо улар ўзбек адабиётининг энг зўр намуналарини билганларидами ё бўлмаса, Шекспир маъжозларидан, Пушкин дилкашлигидан, Тагор ҳаққониятидан, Толстой самимиятидан хабардор бўлганларида, йўқ, тўғрироғи ҳис қила олганларида, бугунги "бозор адабиёти" га қайрилиб ҳам қарамасдилар. Ўша "бозор адабиёти"нинг муаллифлари ва муҳлисариға айтадиган битта сўзим бор: адабиёт гулзорига алафлар керак эмас.

Бугун аксарият китобхонлар детектив асарларни кўпроқ мутолаа қилмоқда. Бундай асарлар қизиқарли воқеаларға бойлиги учунми бир қарашда китобхонни маҳлиё этиб қўяди. Муковаси ҳам аклини ўғирлайди!

Юқоридаги фикрлар адабиётни жон дилидан севадиган бир ўқувчининг мулоҳазалари. Зеро, ижодкор ҳар бир аса-

риға жонининг бир парчасини бериб "тирилтиради". Унга баҳо беришда етти эмас, балки етмиш марта ўйлаб кейин бир кешиш керак.

Китобхон ҳақиқий асарни қачон ажрата олади? Қачонки тинмай мутолаа қилса, кўпроқ ва ҳўброқ ўқиса. Негаки, адабий дид тажрибали китобхонларда шаклланади. Бошидаги тажрибасизлик кейинчалик мутолаа натижасида китобнинг сарлаҳасисю кириш сўзидан унга муайян баҳо бериш даражасига олиб келади. Аммо ишонманки, вақт ўтиши билан танлаб, саралаб ўқишни ўрганаёсиз. Ана шунда ҳақиқий адабиётнинг сеҳрли завқи, самарасини кашф этасиз.

Зухро АСАДОВА

Бухоро



Жиззах

БОЛАЛАР БЕКАТИ

РОСТ ЁЛҒОН

КАРАМ ВА ПИЁЗ

Чўмилишга борибди
Пиёз ва карам.
Қават-қават қийинган
Икки ўрток ҳам.

Сувдаги балиқларни
Кўрганда қувондилар.
Икковлон чўмилмоқлик
Истагида ёндилар.

Охирини ўйламай
Кийим еча бошладди.
Қўйлақларин бирма-бир,
Ечиб-ечиб ташлади.

Тип-тиник зилол сувдан
Чақнар эди кўзлари.
Қуйлагин ечиб бўлгач,
Ғойиб бўлди ўзлари...

Жиринглади телефон,
Кўтарди уни Мавлон.
— Алло, ким бу? Ким керак?
Ўзингиз кимсиз — дарак.

— Ўзинг кимсан, болажон?
— Ҳа, менми? Исми Мавлон,
— Мавлон, дадангни, чақир,
Узоқда бўлса, бақир.

Бир дўстингиз кутар де,
Шошилинг, вақт ўтар де.

— Ҳўп, ҳозир биров кутинг,
Гўшакни қўймай туринг...
Мавлон бирпасдан кайин,
Жавобни айтди кейин:

— Дадам ледади, узр,
Уйда йўқ экан ҳозир...

Эъзога АЛИМОВА

Сирдарё

ТАДБИРКОР АЙИҚПОЛВОН

Айиқполвон тадбиркор
Бўлишни хохлаб қолди.
Дўкон очди ва унда
Ширинлик сотар бўлди.

Ўтирарди гердайиб,
Савдоси бўлди қандай? —
Деганларга жавобим!
Эшитинг мана бундай:

Бир ҳафта ўтмай айиқ,
Пулига қуйган эмиш.
Чунки бор ширинликни
Ўзи еб қўйган эмиш.

САВОЛЛАР

Содикжон акасига
Саволлар берав тинмай.
Акаси жавоб айлар
Гох библи, гох билмай.
— Акажон, нега қувёш
Кундузи нур сочоди?
— Тунда ҳам нури сочса,
Ахир уйку қочади.
— Унда нега юлдузлар
Кундузи кўринмайди?
— Қувёш бободан кўриқиб
Кундуз кунга ухлайди.
— Ой-чи, нега думалоқ,

Баъзан ярим бўлади?
— Чунки у жуда озгин,
Ўн беш кунда тўлади.
— Чақмоқ чақади қай кез?
— Буни билмасман, ишон.
Кўп билсанг, қарийсан тез,
— Унда қарийман қачон?!

ИККИ ТАНБЕХ

Ташлаб барча ишларим,
Китоб ўқий бошладим.

Сотиб олиб ўқидим,
Ўтиб олиб ўқидим.

Қоптоқ бир четда қолиб,
Ўқидим, уйку қолиб.

Дадам ахволим кўриб,
Дўк урди, кўнгли тўлиб:

«Миянгни айниди, ахир!»
Ҳўп танбех берди, ахир.

Китобга бир боқмай, эх,
Укам ҳам олди танбех.

Уни сўкарди дадам:
«Ўқи, бўласан одам!»

Чарос РАХИМҚУЛОВА

Навоий

Жорж Клемансо, Франция

ТАСАВВУР ҚУДРАТИ

Узоқ сафарга чиккан жаноб Браун кечқурун бир меҳмонхонага етиб келиб, бўш хона бор-йўқлигини сўради. Шу пайт яна бир сайёҳ келиб жой беришларини илтимос қилди.

— Фақат битта бўш хона қолган, яхшики, унда иккита жой бор, — деб жавоб берди меҳмонхона ходими, — истасангиз шу хонада иккитиз тунаб қолишингиз мумкин. Бу сизга бирмунча арзон тушади.

Бу тақлиф сайёҳларга унча ёқмади, лекин ташқаридаги қучли ёмғир қолдан тойган сайёҳларни бошқа меҳмонхона қидириш фикридан қайтарди. Ўзаро келишиб бир хонада тунаб қолишга қарор қилишди. Кўп ўтмай хизматчилар юкларни хонага киритиб қўйишди. Икки сайёҳ ёмғир шитирлари остида уйкуга кетди.

Ярим тунда шовқиндан уйғониб кетган жаноб Браун:
— Нима бўлди? — дея ажабланиб сўради.

Хонадоши заиф овозда: — Кечирасиз, сизни уйғотишга мажбур бўлдим, қўқув касалим бор, ҳаво етишмапти, бошим ҳам қаттиқ оғрийпти. Агар малол келмаса, деразани очиб юборсангиз, илтимос, — дея сўради.

Жаноб Браун ўрнидан сакраб туриб тугуртини излай бошлади, бироқ қоронғида тополмади. Шу пайт хонадоши:
— Ҳаво, ҳаво, тоза ҳаво керак, Улайтман... — деб инграй бошлади.

Гугурт тополмаган жаноб Браун энди деразани қидира бошлади. Бир неча сония ўтгач, у "Топдим!" деб ўйлади. Аммо қанча уринмасин деразани очолмади. Бетоб сайёҳнинг овози тобора заифлашиб борарди, жаноб Браун эса дахшатта тушганча стул билан уриб деразани синдириди. Хонадоши шу заҳотиёқ инграшдан тўхтади ва унга ташаккур айтди. Кейин икковлон тунгача тоза ҳавода ором олдилар.

Уйғонганларида хона деразаларининг бус-бутун турганидан хайратга тушибди. Хона ўртасидаги катта кўзгу синиклари эса, атрофга сочилиб ётарди.

Инглиз тилидан
Ҳафиза МУХТОРОВА таржимаси

Жиззах

Мабаллаҳ қўшиқлар

Александр Бекжонов — 10 июль (1961) — Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיқали драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Июсса Гульзарова — 10 июль — композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ғайбулла Жумаёв — 11 июль (1959) — Ўзбекистон давлат драма театри актёри.

Муҳаммадали Абдуқўдиров — 14 июль (1952) — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти.

Малика Авазова — 14 июль — Ўзбекистон давлат драма театри актёри.

Ойпарча Абдулаева — 16 июль — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри актёри.

Маънавий алафлар

Кимки нокасларга қарам бўлади,
Номард олдида ҳам мулзам бўлади.
Агар шер қучуқка бўйсунар экан,
Обрўси мушукдан ҳам кам бўлади.

Мирзо БЕДИЛ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти раҳбарияти ва жамоаси "Маданият ва санъат муассасаларини тапшиқ этиш ва бошқариш" кафедрасининг собиқ ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент

Саъдулла ШОДИЕВнинг вафоти муносибати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма раисининг ҳўжалик ишлари ва биопадардан фойдаланиш бўйича биринчи ўрибосари Саидгани Насриддиновга отаси

Саиднаби НАСРИДДИНОВнинг вафоти муносибати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшмаси аъзоси, ёзувини Ашурали Жўраевга уқаси

Абдуҳад ЖўРАЕВнинг вафоти муносибати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўzbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир
САЛИМ АШУРОВ

Хамқоримиз:

Тақдир ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42
Санъат бўлими: 233-56-40
Навр бўлими: 233-58-60

Тахририятга келган қўлхатлар таҳлил этилмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайдиган. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳўзурдаги Азборт ва оммавий қўмунионалиқлар агентлигидан томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинди.
Алда - 1240. Буяорма Г - 744.
Хажин - 3 босма табоқ, А - 2.
Навр кўрсатқичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буяқ Турон кўчаси, 41-уй.
Боснигга топшириш вақти - 21.00.
Боснигга топширилади - 22.00.

ЖУМА КўНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-634X